3.000.000 тонна тайёр!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 232 (18.110). • 7 октябрь 1981 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин.

ПАХТА — ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 6 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Тошкент	4,35	81,42	5,23	87,22
Бухоро	3,02	70,37	3,84	51,51
Фарғона	2,02	55,96	2,17	34,59
Сирдарё	4,29	55,58	4,94	59,35
Наманган	2,75	55,09	2,46	42,35
Қашқадарё	2,98	53,40	2,71	35,06
Сурхондарё	2,05	51,28	2,08	35,36
Жиззах	4,83	45,93	5,94	51,70
Андижон	2,20	43,25	2,19	21,46
Хоразм	2,27	29,66	2,03	14,97
Самарқанд	1,94	20,92	1,28	6,39
ҚҚАССР	2,08	20,81	1,49	7,59
Республика бўйича:	2,76	48,46	2,96	37,04
Шу жумладан янгичка толали пахта:				
Бухоро	1,93	65,43	—	—
Наманган	2,72	55,06	—	—
Сурхондарё	2,21	41,99	2,54	27,40
Қашқадарё	1,72	20,49	0,80	3,46
Республика бўйича:	2,04	37,70	1,72	16,67

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилдилар:

Ғалаба район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Хадралиев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Каримов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Чинтошев, «Райсельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Лим, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Куриленко, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Абдухолиқов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Ан Ман Хо;

Бўка район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Исломов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Мўминов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Содиқов, «Райсельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Ёқубов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Шукуралиев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Муҳаммаджонов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Шукуров.

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

Л. Брежнев ва Н. Тихонов ўртоқлар ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Эрик Хонеккерга ва ГДР Министрлар Советининг Раиси Вилли Штофга Германия Демократик Республикаси ташкил этилган кунининг 32 йиллиги муносабати билан табрик телеграммаси йўлладилар.

Телеграммада бундай дейилади:

«Германия Демократик Республикаси вужудга келган дастлабки кунлариданоқ ўзининг меҳнат аҳли фаровонлиги ва тинчликни таъминлаш тўғрисидаги ғамхўрликни сиёсатининг асоси қилиб оладиган давлат эканини билдирди. ГДР ҳозир ҳам мана шу олижаноб принципларга содиқ бўлиб қолмоқда. ГДР халқи ўзининг жанговар авангарди — Германия Бирлашган социалистик партияси раҳбарлигида янги жамият қуриш соҳасидаги саботли меҳнати билан, янги уруш хавфига қарши актив кураши билан социал тараққиётга ва ялпи тинчликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Немислар диёрида социализмнинг қарор топиши ва ривожланиши мураккаб шароитда, халқаро империализмнинг доимий қирдикорлари ва тазйики вазиятида давом этиб келди ва давом этмоқда. Бироқ, ГДР меҳнаткашлари Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг мададига таяниб, шу синовлардан шараф билан ўтмоқдалар, социалистик бунёдкорликнинг ҳамма жабҳаларида, моддий ва маънавий маданият соҳасида жозибадор муваффақиятларга эришмоқдалар. ГДРни дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар қаторига чиқарган бу муваффақиятлар Маркс-Энгельс-Ленин ғоялари ҳаётбахш кучининг яққол исботи бўлиб турибди».

Варшава Шартномаси Ташкилотида ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида қатнашувчи бошқа давлатлар билан биргаликда ГДР социалистик ҳамдўстлигининг қудрати ва бирлигини янада мустаҳкамлаш, уларнинг сиёсат, экономика ва мудофаа соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан тинимсиз куч-ғайрат сарфламоқда. Хозирги мураккаб халқаро вазиятда буларнинг ҳаммаси алоҳида аҳамият касб этади.

СССР билан ГДР ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик йил сайин тобора мустаҳкамланиб, кўп қиррали бўлиб бораётганлиги совет коммунистларини, барча совет кишиларини гоят мамнун этади. Марксизм-ленинизм принциплари асосида, миллий ва интернационал манфаатларни тўғри қўшиб олиб бориш негизига қурилган мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тинчлик ва халқаро хавфсизликнинг катта омили бўлиб қолди».

(ТАСС).

ОЛИЙ МАКТАБНИНГ ИЛМИЙ ПОТЕНЦИАЛИ

Ўнинчи беш йилликда олий ўқув юртлари бажарган илмий ишларнинг натижаларини жорий этиш туфайли 9 миллиард сўмдан кўпроқ тежам олинди. Олий мактаб олимлари фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш учун нақадар кўп иш қилишлари мумкинлигини шу рақам тасдиқлаб турибди. Гап шундаки, мамлакатдаги 883 та олий ўқув юртидан ҳар бири ўз имкониятларини чинакамига рўёбга чиқариши лозим.

КПСС XXVI съездида ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деб уқтирди: «Фан докторларимиз ва кандидатларимизнинг деярли ярмини ўзида бирлаштирган олий ўқув юртларининг илмий имкониятларидан яна ҳам тўлароқ фойдаланиш зарур». Олий мактабнинг партия ташкилотлари, олимлари бу наказни ғайратшижоат билан қабул қилиб олдилар. Улар КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Олий ўқув юртларидаги илмий-тадқиқот иши самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, мамлакатнинг социал-иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиётида олий мактаб фанининг роли бундан буён ҳам ошиб бораверишни учун куч-ғайратларини аямаяптилар. Москва ва Қозон университетлари, Москва олий техника билим юрти, Москва инженерлик-физика институти, Вильнюс, Ростов, Харьков университетлари, бошқа кўпгина олий ўқув юртлари илм-фанининг актуал проблемаларини тадқиқ этишни юқори малакали мутахассислар тайёрлаш билан боғлаб олиб бормоқдалар. Уларнинг профессорлари ва ўқитувчилари бутун куч-ғайратларини илмий изланишнинг ҳал қилинишига қаратмоқдалар, фундаментал ва амалий тадқиқотларни кенг жабҳа бўйлаб олиб бормоқдалар.

Ўтган беш йилликда университетлар ва институтлар коллективлари салкам 80 мингта лойиҳасининг самаралари халқ хўжалигига топширилди. Уларнинг ишлаб чиқариш билан боғланиши мустаҳкамланмоқда. Москва олий ўқув юртларининг ўзи ҳар йили корхоналар билан ижодий ҳамдўстлик қилиш тўғрисидаги беш мингтадан кўпроқ шартнома бажармоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалиги билан ўзаро алоқа формалари хилма-хил бўлиб бормоқда. Масалан, Ленинградда бир қанча олий ўқув юртларининг базавий кафедралари ёки уларнинг филиаллари етакчи илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида ва тармоқ институтларида тузилмоқда. Белоруссияда, бошқа республикаларда ўқув илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил этилмоқда. Олий мактабнинг жуда катта имкониятлари фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштиришга яхшироқ хизмат қилишига қаратилган ижодий изланишни бундан ҳам кенгайтириш зарур.

Ҳозирча бунинг учун мавжуд бўлган имкониятлардан тўлақўкис фойдаланилмаяпти. Олий ўқув юртларида йирик комплекс тадқиқотлар етарли бажарилмаяпти. Баъзан илмий ишнинг тугалланишидан унинг натижаларини амалда рўёбга чиқаргунча ҳаддан ташқари кўп вақт ўтиб кетмоқда. Ҳамма жойда ҳам тадқиқотларнинг актуаллигини, илмий ва техникавий-иқтисодий самарасини баҳолашга талабчанлик билан қаралаётгани йўқ. Хўжалик шартнома ишларининг папкалари кўпинча тасодифий заказлар билан тўлдирибборилган. Айрим олий ўқув юртларида олимларнинг куч-ғайратлари тармоқ программалари орқали бошқарилмайди. Тематика баъзан фан ва практиканинг эҳтиёжларига қараб эмас, балки «диссертациябоплигига» қараб танланмоқда.

Олий мактабда ўз кадрларни ва замонавий машина-ускуналари бўлмаган, узоқ вақтдан бери самара бермай келаётган майда, камқувват илмий бўлинмалар бор. Масалан, Москва ўрмон техникаси институти ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш проблема лабораторияси 15 йилдан кўпроқ вақтдан бери асосий фаолияти йўналишини қайта кўриб чиққани йўқ, у олган натижалари билан мақтана олмайди. Олий ўқув юртларининг илмий кенгашлари, министрликлар ва идораларнинг коллегиялари тадқиқот бўлинмаларининг иши устидан контроллик ўрнатмаган жойларда илмий самара бормайдиган муассасалар бемалол яшаб келмоқда. Тадқиқотларнинг самарадорлигини, сифатини ва амалий натижадорлигини ошириш, уларни ўқув жараёни билан маҳкамроқ боғлаш, бу ишга студентларни кенгроқ қатнаштириш зарур.

Бу эса институтларнинг ўзида ҳам, шунингдек олий ўқув юртларидаги даражада ҳам тадқиқотларни планлаштириш ва ташкил этишни такомиллаштиришни талаб қилади. Олий ўқув юртлари XI беш йилликнинг 100 тадан кўпроқ тармоқ программаси топшириқларини ишлаб чиқишга киришди. Олий мактаб муассасаларини фан ва техниканн ривожлантириш давлат планларини, илмий тадқиқот ишлари тармоқ ва республика планларини бажаришга кенгроқ жалб этиш муҳимдир. Олий ўқув юртлари билан академиялар илмий муассасаларининг ижодий алоқалари катта фойда келтирмоқда. СССР Фанлар академиясида яқинда тузилган олий мактаб билан алоқа қилувчи кенгаш мана шундай ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Катта-катта илмий-техникавий лойиҳалар ва программаларни бажариш учун турли олий ўқув юртлари олимпарининг куч-ғайратларини бирлаштириш — умидбахш резервдир. Бу ишда РСФСР, Украина, Қозоғистон, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим министрликлари қимматли тажриба орттирдилар. Олий ўқув юртларидаги илмий лабораторий, экспериментал ва тажриба-конструкторлик базасини мустаҳкамлаш соҳасида министрликлар ва идоралар кўраётган тадбирларни қўллаб-қувватласа арзийди. Институтлараро кооперациядан кенг фойдаланиш, шаҳардаги ва ҳатто региондаги ҳамма олий ўқув юртлари фойдалака оладиган ҳисоблаш марказлари ва лабораториялар тузиш ўзини оқлайди. СССР са иттифоқдош республикаларнинг Олий ҳамда ўрта махсус таълим министрликлари бу ишни кучайтиришлари керак.

Хўжалик шартномаси алоқаларини янада ўстиришни олий ўқув юртларининг тадқиқотларини давлат плани асосида пул билан таъминлашни кенгайтириш билан бирга узвий равишда қўшиб олиб бориш керак. Бу — олий мактабнинг ноёб хусусиятларидан: илм-фаннинг ҳамма тармоқларидаги малакали олимларнинг мавжудлигидан, истеъдодли ёшларнинг доимий келиб туришидан, тармоқлараро ва фанлараро комплекс тадқиқотлар ўтказиш мумкинлигидан янада оқилона фойдаланиш имконини беради.

Олий ўқув юртларининг раҳбарлари, уларнинг партия ташкилотлари барча тадқиқотчи бўлинмалар максимал самарадорлик билан иш кўришига, бутун куч-ғайратни кенг миқёсли ва истиқболли проблемаларга қаратишларига, изланувчан тематика билан амалий тематикани қўшиб олиб боришларига, беш йиллик вазифаларини ҳал этишга кўпроқ ҳисса қўшишларига собитқадамлик билан интилишлари лозим. Бунинг учун олий ўқув юртларида тармоқ ва проблема лабораторияларини кенгроқ ташкил этиш керак.

Олий мактаб муассасаларига партия раҳбарлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлаш зарур. Москва ва Ленинград партия ташкилотлари яхши намуна кўрсатмоқдалар. Партия комитетлари олимларни тарбиялаш ишини нақадар сабот билан такомиллаштирсалар, уларнинг ижодий ташаббускорлигини ривожлантирсалар тадқиқотлар шу қадар муваффақиятлироқ боришига, уларнинг самараси шу қадар салмоқлироқ бўлишига уларнинг тажрибаси ишонч туғдирмоқда.

Мамлакатнинг илмий муассасалари системасида олий мактабнинг ролини кучайтириш, уни илм-фаннинг ҳамма тармоқларида илмий изланиш олиб боришга ва унинг натижаларини халқ хўжалигига актив жорий этишга қодир бўлган тармоқлараро тадқиқот комплекси сифатида ривожлантириш — муҳим партиявий ишдир.

(«ПРАВДА» газетасининг 6 октябрдаги бош мақоласи).



Жиззах область, Пахтакор районидаги Акмал Икромов номли совхоз пахтакорлари съездлар йилида юксак маррани кўзламоқдалар. Она-Батан хирмонига 10 минг тонна «оқ олтин» армуғон этиш уларнинг эзгу мақсадлари. Чўлқуварлар аҳдларига яраша иш тутишмоқда.

Суратда: сўнгги ўн кунлик иш якуни бўйича мусобақа ғолиби деб топилган механизатор Мансур Мақсудов. Унинг шу кунгача терган пахтаси 130 тоннадан ошди.

Ф. Лутфуллаев фотоси.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

6 ОКТЯБРГАЧА РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА 2.830.342 ТОЛАЛИ ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ. ТАЙЁРЛАНГАН ТОННАСИ МАШИНАЛАР БИЛАН ТЕРИБ ОЛИНДИ. 161.569 ТОННАНИ ТАШКИЛ ЭТДИ.

ТОННА, ШУ ЖУМЛАДАН 139.483 ТОННА ИНГИЧКА ХОМ АШЁНИНГ ЯРМИДАН КЎПРОҒИ — 1.433.495 БИР КУНДА ТАЙЁРЛАНГАН ПАХТА МИҚДОРИ

Ҳосил йиғим-терими учун энг қулай дамлар — октябрь ойининг иккинчи беш кунлиги бошланди. Ҳавонинг очиқлиги, кўсаклар бодраб очилаётганлиги пахта тайёрлашнинг кунлик суръатини ошириш имконини бермоқда.

Бутун куч пахта йиғим-теримини жадаллаштиришга сафарбар этилсин! Октябрь ойининг ҳар бир ғанимат кунидан ва дамларидан унумли фойдаланайлик!

Жиззах, Тошкент, Сирдарё областларининг пахтакорлари қабул пунктларига ҳар куни йиллик планга нисбатан 4 процентдан зиёд пахта топширишмоқдалар. Бу, терим техникасидан юксак унум билан фойдаланиш шарофатидир.

Дала гвардиячилари, жасорат кўрсатиб ишлайлик! Теримда илғорларга тенглашинг!

Фарғона ва Андижон областларида йиғим-терим суръати асоссиз равишда сусайиб кетяпти.

Терим суръатининг сусайишига асло йўл қўймаймиз! Барча резервларни терим суръатини оширишга сафарбар этайлик!

БЕШ ЮЗ МИНГИНЧИ ТОННА ҲИСОБИГА

Бухоро области пахтакорлари беш юз мингинчи тонна ҳисобига пахта топшира бошладилар. Улар ҳар куни 17 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» тайёрлашга эришмоқдалар. Ана шунинг 14 минг тоннадан кўпроғи машиналар билан териб олинаётир.

Ғиждувон районидаги яна икки хўжалик пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. «Коммунизм» колхози деҳқонлари гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтариб, қабул пунктига 6.000 тонна, шу жумладан 3.300 тонна ингичка толали пахта топширдилар. Ҳосилнинг ярмидан кўпи машиналар ёрдамида териб олинди. Колхоз саршунослари ипак пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга, ўрта толали пахта ҳосилдорлигини 55 центнерга етказиш ва Ватанга яна 4.000 тонна «оқ олтин» топшириш юзасидан мажбурият олдилар.

Областдаги энг юқори ҳосилли хўжаликлардан бири — Ибн Сино номли колхоз деҳқонлари гектаридан ўртача 35 центнердан ҳосил кўтардилар. Улар Ватанга 4.850 тонна, шу жумладан 1.500 тонна уруғлик пахта армуғон этдилар.

Колхоз аъзоларидан мавсум охиригача ҳосилдорликни 60 центнерга етказадилар ва давлатга яна 3.200 тонна «оқ олтин» топширадилар.

МАШИНАЛАР ҚУДРАТИ

Жиззах области механизаторларининг меҳнат беллашувида Мирзачўл районидаги «Узбекистон» ва Абай номли совхозларининг дала гвардиячилари пешқадамлик қилмоқдалар. Бу ерда агрегатларнинг кунлик ўртача иш унуми 7 тоннадан кам бўлмаётир. Октябрь ойининг биринчи беш кунлиги якунларига кўра «Партия XXIV съезди» совхозининг механизатори Ширкибой Асроров районнинг энг пешқадам механик-ҳайдовчиси деб топилди. У ҳар куни агрегат бункеридан 15 тоннадан дурдона бўшатаётир. Унинг мавсум бошидан буён терган пахтаси 200 тоннага етди.

Областдаги яна бир хўжалик — Зарбдор районидаги «Ленин йўли» совхози ҳам пахта тайёрлаш йиллик топшириғини адо этди. Бу хўжалик чўлқуварларни қабул пунктига 900 тоннадан зиёд кўрик дурдонаси топширдилар.

* * *

5 октябрь куни Сирдарё области далаларида 3452 пахта териш машинаси ишлатилди. Ҳар бир агрегатнинг кунлик ўртача иш унуми 4,4 тоннани ташкил этди.

Машина теримида Оқолтин райони меҳнаткашлари энг юқори натижаларга эришаётир. Бу ерда кунлик ўсиш йиллик планга нисбатан 7,35 процентни ташкил этмоқда.

«Оқ олтин» мавсумининг ҳар бир куни янги меҳнат қаҳрамонларини элга танитаётир. Оқолтин районидаги Усмон Юсупов номли совхоз механизатори Файзулла Азизов бир кунда 29 тонна, Гулистон районидаги Ленин номли совхоз механизатори Ғафурбек Ҳакимов 21 тонна юқори сифатли пахта териб олди.

ҒАЛАБАЛИКЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Ғалаба райони деҳқонлари катта зафар қучдилар. Улар она-Ватанга 54.900 тонна «оқ олтин» топшириб, йиллик планни шараф билан бажардилар. Ана шу ҳосилнинг 97,1 процентни бункерлардан бўшатилди ва машина теримн плани 104 процент адо этилди.

Мавсумда меҳнатни аниқ-пухта ташкил этиш машина теримни муваффақиятини таъминлади. Ҳосил йиғим-теримида 40 та терим-транспорт отряди иштирок этди. Йиғим-теримда СССР Олий Совети депутати, КПСС XXVI съезди делегати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Энвер Алиев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусаттор Сулаймонов, Сафар Худойберганов, Геннадий Хан, Уразбой Нишонов, Павел Вон, Иса Хўжаев, Дунёдор Зокиров, Борис Шин сингари механизаторлар жасорат намуналарини кўрсатдилар. Бу механизаторларнинг ҳар бири икки қатор ва тўрт қаторли машиналар ёрдамида 150-300 тоннадан хом ашё теришга эришдилар.

Бу муваффақиятга гектаридан 45 центнердан ҳосил кўтариб, йиллик пахта тайёрлаш планини биринчилар қаторида уддалаган «Ленинград», «Победа» колхозлари, шунингдек Свердлов номли, «Ленинизм», «Заря коммунизма» колхозлари, «Коммунизм», Волков номли совхозлар ҳамда Киров номли тажриба хўжалигининг саршунослари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Район хўжаликлари давлатга маккажўхори доки, пилла, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева, узум сотиш халқ хўжалиги планларини ҳам муваффақиятли уддалади лар.

Ғалабалик саршунослар етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини нест-нобуд қилмай қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш, ҳосилдорликни 43 центнерга, ялпи хирмонни 65 минг тоннага етказиш учун ғайрат қилмоқдалар.

БЎКАЛИК ПАХТАКОРЛАР ЗАФАРИ

Тошкент область Бўка райони пахтакорлари СССР Конституцияси байрамини катта меҳнат ғалабаси билан кутиб олдилар Улар 6 октябрь куни пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганликларн тўғрисида рапорт бердилар. Бўкалик саршунослар қабул пунктларига 65.000 тонна «оқ олтин» топширишди. Ана шу ҳосилнинг 58.000 тоннаси машиналар бункеридан бўшатилди. Ҳар гектар ердан ўртача 30 центнердан хирмон кўтарилди.

Район пахтакорларининг муваффақиятига механизаторлар катта улуш қўшдилар. Далаларда 400 пахта териш машинасини бирлаштирган 42 та терим-транспорт отряди ишламоқда. Ҳар бир агрегат билан ўртача 150 тоннадан пахта териб олинди. «Коммунизм» колхозидан Сандаҳад Саймоқов, Жолғас Болтаев, О. Ҳасанов, «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Сервер Усеинов, Исмоил Муртазоев, «Бўка» совхозидан Урозгул Букарова, Ильич номли колхоздан Матан Раҳматуллаев, «Ленинизм» колхозидан Сандибек Раҳмонов сингари механик-ҳайдовчилар 220-260 тоннадан «оқ олтин» теришга эришдилар.

Райондаги пешқадам хўжаликлар — «Коммунизм» колхозида гектаридан 36 центнердан, «Октябрь 40 йиллиги» колхозида 35 центнердан, «Ленин йўли» колхозида 32 центнердан ҳосил олинди. «Коммунизм» колхозининг О. Ҳасанов бригадаси саршунослари эса ҳар гектар ердан 48 центнердан хирмон кўтардилар.

Район хўжаликлари гўшт тайёрлаш планини 143 процент, тухум тайёрлаш планини 231,7 процент, сут тайёрлаш планини 102 процент, сабзавот тайёрлаш планини 100 процент адо этдилар.

Район пахтакорлари СССР ташкил топган кунининг 60 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб, давлатга яна 20.000 тонна «оқ олтин» топширишга аҳд қилдилар. Ана шунда Ватан бўкалик саршунослардан 85 минг тонна «оқ олтин» қабул қилиб оладн.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ М. АБДУРАСУЛОВга «СССР ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўқувчиларни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон ССР, Андижон область Москва районидаги М. Горький номли 41-ўрта мактаб ўқитувчиси ўртоқ Мамажон Абдурасуловга «СССР халқ ўқитувчиси» фахрий унвони берилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1981 йил, 5 октябрь.

ИЖОДИЁТДА ЯНГИ ЧЎҚҚИЛАР САРИ

Таниқли совет шоирлари, адабий танқидчилари 6 октябрь куни Тошкентда «Давра столи» теварагида жамулжам бўлдилар. «Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон совет шеъриятн уфқлари: тажрибалар, муаммолар, истиқболлар» мавзуига бағишланган бу галги учрашувни «Дружба народов» журнали уюштирди. Шу журналнинг бош редактори С. А. Баруздин учрашувни оча туриб, мамлакатимиз ҳар бир республикаси авторларининг поэтик ижодиёти кўп миллатли бўюк совет адабиёти ўзанида мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади. «Давра столи»да қўйилган масалалар ҳам уни ривожлантириш нуқтаи назаридан кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов, москвалик шоир В. А. Костров, қардош республикалар ёзувчилар ташкилотларининг вакиллари Шарқнинг анъанавий шеърияти Улуг Октябрь социалистик революциясидан кейин жадал суръатда юксак чўққиларга кўтарилганлиги, социалистик мазмун билан бойиганлиги тўғрисида гапирдилар. Бадиий ифоданинг янги воситалари муваффақиятли суратда қўлланиб топилмоқда, ёзувчилар ана шу воситалар ёрдамида коммунистик қурилиш ғояларининг улуғворлигини, бунёдкор совет кишисининг гўзаллигини тасвирламоқдалар.

Аммо, учрашувда қайд этиб ўтилганидек, совет кишиларининг юксак талабларига, замон руҳига мос келмаётган, бир қолипда ёзилган, китобхонларни чинакам тўлқинлантиришга қодир бўлмаган асарлар ҳамон пайдо бўлиб турибди. Ижодиётда янги чўққилар сари муттасил интилиш, ҳар бир шеър, ҳар бир китоб республиканинг, мамлакатнинг бадиий ҳаётида диққатга сазовор воқеа бўлиб қолишига, совет кишиларининг ҳозирги энг зарур саволларига жавоб қайтаришга, уларни янги жасоратларга ва меҳнат зафарларига чорлайдиган бўлишига доимо интилиш — адибларнинг гоят муҳим вазифаларидан биридир. КПСС XXVI съездида ёзувчилар олдига янги, яна ҳам масъулиятлироқ вазифалар қўйилди.

«Давра столи» қатнашчилари ижодий мунозаралар билан чекланиб қолмайдилар. Улар республика меҳнаткашлари билан учрашадилар. Деҳқонларнинг дала шийпонларида ана шундай дастлабки учрашувлар ўтказилади. Бу ерда пахтакорларнинг қаҳрамонона меҳнатига бағишланган шеърлар янграйди, адиблар ўз режалари тўғрисида сўзлаб берадилар.

Ёзувчиларнинг ўзига хос ижодий ҳисоботи Тошкентдаги Санъат саройида ўтказилади. Бу ерда СССР Конституцияси кунига бағишлаб совет поэзияси кечаси бўлади.

(ЎзТАГ).

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ БУТУН МОҲИЯТИ, ҲАР БИР ҲАРФИ ХАЛҚ ОММАСИНИНГ ТАРИХИЙ ИЖОДКОРЛИГИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚУВВАТЛАШГА ВА ОГИШМАЙ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

АСОСИЙ ҚОНУН ЯШАМОҚДА ВА АМАЛ ҚИЛМОҚДА

БУНЁДКОРЛИК ДЕМОКРАТИЯСИ

Октябрь революциясининг олтмишинчи йилида қабул қилинган СССР янги Конституцияси ривожланган социализмнинг давлатчилик ва демократизмга, бутун сиёсий, шунингдек, иқтисодий системасига, социал структурасига хос бўлган муҳим хусусиятларни мустаҳкамлади.

Мамлакатнинг Асосий Қонунида Коммунистик партиянинг совет жамиятини ва кишиларни ҳар томонлама камол топтиришга, халқ ҳокимиятини мустаҳкамлашга қаратилган қачил йўли ўз ифодасини топган.

I.

Социалистик умумхалқ давлати демократик характерини халқ депутатлари Советлари — энг ваколатли ва оммавий ташкилотлар энг тўла даражада акс эттиради. Халқ ўз давлат ҳокимиятини ҳудди ана шу Советлар орқали амалга оширади. Советлар — СССРнинг сиёсий негизи бўлиб, бошқа ҳамма органлар уларга ҳисоб берадилар.

СССР янги Конституциясининг, сўнгра иттифоқдош ва автоном республикалар конституцияларининг қабул қилиниши халқ депутатлари Советлари ишида янги босқични бошлаб берди. Энди ликда уларнинг кўпчилиги ташаббускорлик ва жанговарлик билан иш олиб бормоқдалар, кишиларнинг хилма-хил эҳтиёжларини қондиришга, социал-иқтисодий ва маънавий тараққиёт масалаларини ҳал этишга собитқадамлик билан ёндашмоқдалар.

Ҳозирги вақтда экономикага, ижтимоий ишлаб чиқариш ва меҳнат сифати самарадорлигини ўстиришнинг энг муҳим проблемаларига Советларнинг эътибори кучайганлиги уларнинг ишидаги энг муҳим хусусиятдир. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети яқинда қабул қилган «Хўжалик қурилишида халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш тўғрисида» қарори ана шу йўналишда активликни ошириш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўтган йили маҳаллий Советларнинг сессияларида қишлоқ хўжалигида ишнинг аҳволи билан боғлиқ бўлган 100 мингдан ортиқ масала кўриб чиқилди. Колхоз ва совхозлар, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи ташкилотларнинг фаолиятини янада яхшилаш тўғрисида ҳамкорлик қилиш халқ ҳокимияти органларининг энг муҳим ва биринчи даражали вазифасига айланиб бормоқда. Чунки жамиятимиз аҳолини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаш вазифасининг ғоят қисқа муддатда ҳал этилишидан манфаатдордир.

Партиямизнинг иқтисодий ва социал тараққиётнинг 80-йилларга белгиланган планлари халқнинг туб, ҳаётий манфаатларини акс эттиради. Бу планларни амалга оширишда халқ ҳокимияти органлари роли беқиёсдир. Албатта, ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Олий Совети Президиумининг 1981 йил 1 апрелдаги мажлисида таъкидлаганидек, Советларнинг ҳар бир звеноси съезд ва партия ҳозироқ амалга оширилади. Кўплари эса турли идоралар ва ташкилотларнинг планларида ҳисобга олинди. Депутатлар томонидан контрол қилиб борилиши, ошкоралик, белгиланган вазифаларни бажаришга меҳнаткашларнинг ўзларини жалб этиш, халқ контроли органлари ҳамда Советларнинг 30 миллионлик армияси билан ҳамкорлик — қабул қилинган наказларнинг биронтаси ҳам бажарилмай қолмаслигининг гарантиясидир.

II.

Социалистик демократия тараққиётининг муҳим йўналишларидан бири — давлат ва ижтимоий ҳаёт ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашдир. Бу вазифа — аввало амалдаги қонунларни такомиллаштириш йўли билан ҳал қилинмоқда.

Янги Конституция қабул қилингандан кейинроқ, СССР Олий Совети Президиуми қонунчилик ишлари планини ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда. Бундай планлар иттифоқдош республикаларда ҳам тасдиқланган.

СССР Олий Совети томонидан қабул қилинган йирик актлар орасида давлат ҳокимияти олий органлари тузилиши ва фаолиятига ҳамда ССР Иттифоқини бошқаришга тааллуқли бўлган қонунларни — «СССР Министрлар Совети тўғрисида», «СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида», «СССР Олий Советининг регламенти», «СССР гражданлиги тўғрисида» қонунларини айтиб ўтиш мумкин. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг ҳуқуқий базасини мустаҳкамловчи қонунлар (СССР Олий суди тўғрисида, СССР Прокуратураси тўғрисида, СССР Халқ контроли тўғрисида, СССРда давлат арбитражи тўғрисида, СССРда адвокатура тўғрисида) қабул қилинди.

1980 йилда халқ депутатлари ўлка, область Советларининг, автоном областлар ва автоном округлар халқ депутатлари Советларининг асосий ваколатлари тўғрисида қонун қабул қилинди. Бу акт билан Советлар бутун системасининг компетенциясини шакллантириш ва мустаҳкамлаш қонун йўли билан ниҳоясига етказилди. Яқинда қабул қилинган ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар уй-жой қонунлари асослари ҳам муҳим ҳужжатлар қаторига киради.

Янги Конституция асосида совет қонунларининг янгиланиши жамият ҳаётининг илгари қонун билан тартибга солиш доирасига кирмаган соҳаларини ҳам, масалан, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш (ҳайвонот дунёсини кўриқлаш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун)ни ўз ичига олди.

Совет демократиясини ривожлантириш социалистик қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилмоқда. Ҳар қандай қонун у бажарилган тақдирдагина, ҳамма томонидан ва ҳамма жойда бажарилган тақдирдагина амал қилган бўлади, — деб таъкидлади КПСС XXVI съезди. Партия аниқ ишда юстиция, суд прокуратура, совет милицияси органларининг юксак масъулиятини таъкидлади. Бу органлар ўз бурчларини бажарар экан лар, жамоатчиликнинг ҳар томонлама мададига таянмоқдалар. Масалан, халқ маслаҳатчилари институти меҳнаткашларнинг одил судловни амалга оширишдаги иштирокининг амалий формасидир. Навбатдаги сайловда 700 мингдан ортиқ ишчи, колхозчи, хизматчи халқ маслаҳатчиси қилиб сайланди. Уларнинг ярмидан кўпроғи хотин-қизлардир.

Жамият ва давлат ишларини бошқаришда меҳнаткашларнинг тобора кенгроқ кўламда иштирок этаётганлиги ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларини активлаштирмоқда. Социалистик демократия тараққиёти янада юксак погонага кўтарилмоқда. Коммунистик партия социалистик демократияни такомиллаштиришда, уни янада кенгайтиришда етакчи роль ўйнамоқда. Совет халқининг авангарди бўлган КПСС социалистик демократия принципларини амалга оширувчи асосий куч бўлиб майдонга чиқмоқда. Совет сиёсий системасининг, унга кирувчи барча ташкилотлар — давлат ва жамоат ташкилотларининг ядроси ҳисобланган партия уларнинг фаолиятлари ва интилишлари бирлигини таъминламоқда, бутун халқимизнинг, шунингдек, ҳар бир совет кишисининг ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя қилинишини таъминламоқда.

Н. ЧЕРНОГОЛОВКИН,
юридик фанлари доктори, профессор.

БАЙРАМГА МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

Избоскан райони маркази — Пайтуғда пилланашлиқ фабрикасининг янги ишлаб чиқариш корпуси ишга туширилди. Корхонанинг муддатидан илгари ишга туширилишида 24-қурилиш трестига қарашли 3-механизациялашган кўчма колонна коллективининг ҳиссаси катта. Қурувчилар объектни белгиланган муддатидан тўрт ой илгари — ССР Конституцияси байрамига қадар тугаллашга эришдилар. Эндиликда Пайтуғ тўқимачилари йилига тўпширишга қўшимча 100 минг метр абрли газламалар ишлаб чиқариш имконига эга.

* * *

Республика Қишлоқ қурилиши министрлиги ташкилотлари область хўжаликларида шу йил бошидан буён 22 минг квадрат метр ҳажмда уй-жойлар тиклашди. Октябрь ойининг илк ҳафтасида фойдаланишга топширилган бу уй-жойларга етти минг қишлоқ меҳнаткашлари кўчиб ўтдилар.

Қурувчилар 20 минг ўқувчига мўлжалланган, 34 мактаб, 17 та болалар боғчаси, 11 та медицина объектлари сингари социал-маиший аҳамиятга эга иншоотларни ҳам барвақт ишга туширилишини таъминладилар.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА

АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИ — ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

Совет кишиларининг жуда кенг сиёсий ва социал ҳуқуқлари, бурчлари қайд этилган СССР Конституцияси кунини барча меҳнат аҳли қатори Фарғона шаҳри меҳнаткашлари ҳам янги ютуқлар билан кутиб олдилар. Кишилар тўғрисида партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги Асосий Қонунимизда тўла ўз ифодасини топган. Шаҳар Совети ижроия комитети партиямизнинг XXVI съезди қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб, аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш учун кенг кўламдаги тадбирларни амалга оширмоқда. Ижроком йиғилишлари, шаҳар Совети сессияси, доимий комиссиялар мажлиси кун тартиби ҳам аҳолининг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш масаласи шаҳар Советининг диққат марказида эканлигини кўрсатади.

Чунончи, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўлайтириш, аҳолига саёбо, медицина ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, ободончилик масалалари атрофлича муҳокама қилиниб, конкрет тадбирлар белгиланди. Шаҳар ижроия комитети доимий комиссиялари бу тадбирларнинг бажарилишини контрол қилиб бормоқда.

Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўлайтириш масаласи шаҳар Совети сессиясида, ижроия комитет мажлисида муҳокама қилинди. Депутатлар бу масалани муҳокама қилиш давомида саноат корхоналари чиқиндиларидан аҳоли эҳтиёжи учун товарлар ишлаб чиқаришни кўлайтиришни талаб қилдилар ва бунинг конкрет йўлларини кўрсатдилар. Сессия қарорлари асосида шаҳар корхоналаридан бирида болалар коляскаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.


Шаҳардаги бадиий тикувчилик фабрикаси чеварлари ҳам чиқитлардан халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйдилар. Шу йилнинг олти ойи мобайнида 14 минг сўмлик ўрнига 28,3 минг сўмлик товар ишлаб чиқардилар. Бу ерда чиқиндилардан салфеткалар, қўлқоплар, ёстиқлар, чақалоқлар учун ички кийимлар ва бошқа маҳсулотлар кўплаб ишлаб чиқарила бошланди. Бундай тадбирларнинг амалга оширилиши корхоналарнинг иш самарадорлигини оширишга имконини берди, соф даромад кўпайди.

Шаҳар аҳолисига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш совет ва унинг ижроия комитети олдидаги муҳим вазифалардан биридир. Шунинг учун ҳам шаҳар Совети тегишли комиссияси бу масалани сессия кун тартибига таклиф қилди. Маиший хизмат кўрсатиш масаласи атрофлича муҳокама қилиниб, конкрет тадбирларни ўз ичига олган қарор қабул қилинди. Сессия қарорларининг ижроси депутатлар диққат марказида турибди, шунинг учун ҳам сессиядан кейин қисқа вақт ичида шаҳарда аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган 14 та точка ишга туширилди, бошқа объектларда ҳам аҳолига хизмат кўрсатиш яхшиланди. Бунинг самаралари ҳозироқ кўзга кўриниб қолди. Масалан, 1980 йилда шаҳарда аҳоли жон бошига 36 сўм 72 тийинлик маиший хизмат кўрсатилган бўлса, шу йилнинг 9 ойида деярли 30 сўмлик хизмат кўрсатилди. Бу эса маиший хизмат кўрсатиш турлари кўпайди.

Аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш, халқ маорифини ривожлантириш юзасидан жуда катта ишлар амалга оширилаётир. Ҳозирги вақтда шаҳардаги кичкинтойларнинг 80 процентга болалар боғча ва ясли ларига жалб этилди. Қисқа вақт ичида 4560 ўринли болалар боғча ва яслилари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш хонадонларини газлаштириш, аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, айниқса халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўлайтириш учун маҳаллий ресурслардан тўла фойдаланиш мавжуд ресурсларни қидириб топиб ишга солиш билан жиддий шуғулланишни тақозо этмоқда. Шаҳар Совети ижроия комитети, унинг бўлимлари, депутатлар халқ фаровонлиги билан боғлиқ бўлган масалаларга эътиборни кучайтириб, қарорлар ижросини мунтазам контрол қилмоқда. Бу эса меҳнаткашлар турмуш шароитини янада яхшилашнинг ишончли гаровидир.

М. АБДУЛЛАЕВ,
халқ депутатлари Фарғона шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.



ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

Меҳнаткаш инсон тўғрисида конкрет ғамхўрлик қилиш социалистик тузумимизнинг табиатидан, партиямизнинг бош мақсадидан, ҳаётимизнинг Асосий Қонуни — СССР Конституциясидан келиб чиқадиган талабдир.

Маълумки, ҳамма бойликларнинг манбаи меҳнат. Меҳнатсиз моддий бойликни ҳам, маънавий бойликни ҳам яратиб бўлмайди. Бинобарин, меҳнат аҳлига ғамхўрлик қилиш моддий ва маънавий бойликларнинг мунтазам кўпайишида ўз ифодасини топади.

Буни бизнинг колхозимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Колхоз территориясида учта замонавий посёлка вужудга келди. Бу посёлкаларда қишлоқ шароитига мослаштирилган, ҳамма коммунал қулайликлари бўлган уйлар қурилди.

Бундан ташқари яққа тартибда уй қурувчилар учун ер участкалари ажратиб берилмоқда. Шунинг учун ҳам колхозимизда ҳар йили 20-25 оила ҳовли тўйлари ўтказяпти.

Қишлоқ посёлкаларида аҳолига хизмат кўрсатиш объектлари қурилишига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Колхозимиздаги маиший хизмат комбинати телевизор, холодильник каби мураккаб рўзғор буюмларини ҳам ремонт қилиб бера олади. Бу ерда колхозчилар ўзларини ҳам хилма-хил кийимлар тиктирмоқдалар. Тўртта медицина пункти, поликлиника, дорихона, ҳаммом, магазинлар, кутубхоналар колхозчилар хизматида.

Моддий фаровонликнинг юксалиши, турмуш шароитининг яхшиланиши колхозчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширмоқда. Улар партия қарорларини изчиллик билан амалга ошира бориб, пахтачилик ва чорвачиликни янада юксалтириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Яхши кайфият билан қилинган меҳнат баракали, самарали бўлади.

Колхозимиз аъзолари СССРнинг 60 йиллик юбилейи шарафига 60 зарбдор ҳафталик эълон қилдилар. Бу зарбдор меҳнат беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга хизмат қилмоқда. Съездлар йилида 1200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 40 центнер ўрнига 45 центнердан пахта йиғиб-териб олиб, ялпи ҳосилни 5500 тоннага етказишга аҳд қилдик.

Озод Ражабов, Дўстжон Кенжаев ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар 60 центнерлик маррани кўзламоқдалар. Ҳозир ҳамма бригадаларда пахта йиғим-теримини қизғин авж олди. Даалаларда 20 та «зангори кема» ишлаб турибди. Этак тутиб пахта тераётган теримчилар сони 1200 кишига етказилди. Шуниси характерлики, пахта йиғим-терими оммавий ҳашар тусини олди. Мактаб ўқувчилари дарсдан кейин теримда ота-оналарига ёрдам бермоқдалар. Пенсионер отахонлар ва онахонлар ҳам ҳиммат қилиб баҳоли қудрат ёрдамлашмоқдалар. Шунинг учун ҳам ҳар куни йиллик планнинг 4,5-5 процентга миқдорида пахта тайёрланмоқда.

Етиштирилган ҳосилни сира нобуд қилмай, йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш биринчи галдаги вазифамиз. Лекин, истиқболни кўзламай иш қилиб бўлмайди. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми пахтачиликни интенсив ривожлантириш масаласини муҳокама қилди. Биз КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини амалга ошира бориб, шу беш йиллик охирида пахта ҳосилдорлигини 50 центнерга, йиллик ялпи ҳосилни 6 минг тоннага етказиш режаларини туздик.

Шу билан бирга қишлоқ қурилиши янада авж олдирилади. Колхозчилар учун ҳар бири 450 ўринли 3 та клуб, минерал ўғит сақланадиган учта омбор, кўплаб уй-жойлар қурилади.

Колхозимиз аъзолари пахтачилик ва чорвачиликни интенсив юксалтириб, хўжалигимизни райондаги комплекс ривожланган энг етакчи колхозга, қишлоқларимизни обод, кўркам агрошаҳарчага айлантиришга аҳд қилганлар. Буларнинг ҳаммаси яркин, озод меҳнатимизнинг самарасидир.

Қ. ЭШЧОНОВ,
Амударё райондаги Ленин номли колхоз правлениесининг раиси.

ШУНДАЙ ҚИШЛОҚ БОР

Социал ривожланишнинг намунаси бўлган бу қишлоқнинг таърифи-тавсифи бутун областга ёйилган. Икки томонидаги йўлқалар яшил деворлар билан ажратилган равон кўчалар, сўлим хиёбонлар, гуллар чаманлари билан қопланган майдончалар. Кўчаларда юрган, хиёбон ва гулзорларда сайр қилган кишининг кайфияти ёзиладди, баҳри-дили очилади.

Қишлоқ марказида болалар комбинатининг икки қаватли улкан биноси қад кўтариб турибди. Унинг ўттиздан ортиқ хоналарида колхозчиларнинг фарзандлари тарбияси учун зарур бўлган ҳамма нарса муҳайё. Пахтакор, ғаллакор, чорвадор аёллар ҳар куни субҳидамда уч юзга яқин жажжи ўғил-қизларини богча ва ясли тарбиячиларига топшириб, далаларда, фермада хотиржам меҳнат қилишади. Колхоз қишлоғидаги олтита ўрта ва битта етти йиллик мактабда эса колхозчиларнинг юзлаб фарзандлари билим олмоқда.

Сал нарироқдаги кўркам бинонинг биринчи қаватида поликлиника, иккинчи қаватида 110 ўринли касалхона жойлашган. Ҳамма турдаги медицина ёрдами шу ернинг ўзида кўрсатилади. Улар зарур дори-дармонларни ҳам колхоз қишлоғидаги дорихонадан олишади. Савдо тармоқларида саноат ва озиқ-овқат товарларининг барча тури мавжуд.

Маиший хизмат кўрсатиш комбинати қишлоқ меҳнаткашларининг талабини тўла қондиради. Бу ерда қиймм-кечак, пойабзал тиктириш, телевизор, радиоприёмник, холодильник ва бошқа электр асбобларини ремонт қилдириш мумкин. Колхоз стадионида эса ёшлар спортнинг турли хиллари билан шуғулланиб, жисмоний жиҳатдан чиниқишяпти, саломатликларини мустаҳкамлашяпти. Қишлоқда иккита ҳаммом ишлаб турибди.

Далада, фермада куни бўйи меҳнат қилиб, ҳориб-чарчаб келган колхозчи аёл кечқурун ўчоқда ўтин тутатиб эмас, балки газ плитасида таом тайёрлайди, чойни ариқ сувидан эмас, ҳовлисидаги водопроводнинг тоза сувидан қайнатади. Ҳар бир оила аъзосининг сонига қараб учтўрт-беш ва олти хонали шинам уйга эга. Колхоз қишлоғида ана шундай уйлардан 1300 та қурилган.

— Кейинги ўн йилда, — дейди колхоз правлениесининг раиси Ли Прокофий, — социал ривожланишга саккиз миллион сўм маблағ сарфланди. Шу ҳисобдан юзлаб янги уй-жой бинолари, кўп сонли маданий-маиший объектлар қуриб битказилди. Колхозни социал ривожлантириш планига биноан ҳозир Маданият саройи қуриляпти. Яқин келажакда савдо маркази, янги йирик ҳаммом ва бошқа маданий-маиший объектлар қуриш назарда тутилмоқда. Колхозчиларнинг уй-жой шароити янада яхшиланади.

Ҳа, пойтахт Тошкент областида шаҳар билан чирой талаша оладиган ана шундай обод, маданий қишлоқ бор. У Коммунистик райониДаги Свердлов номли колхоз қишлоғидир.

Колхоз аъзолари бу йил КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг қарорларига жавобан давлатга 5480 тонна пахта, ўтган йилдагидан анча кўп картошка, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар сотиш ҳамда камида 8 миллион сўм даромад қилишни мўлжаллашяпти. Улар белгиланган юксак марраларни эгаллаш мақсадида фидокорона меҳнат қилишяпти. Ҳўжалик колхозчиси СССР Конституцияси кунини ишлаб чиқаришда янги муваффақиятларга эришган ҳолда кутиб олди.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



Республикамиз меҳнаткашлари умумхалқ байрами — СССР Конституцияси кунини меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришган ҳолда кутиб олмоқдалар. «Ташсельмаш» заводининг кўп миллатли коллективи ҳам байрам шарафига муносиб туҳфа тайёрлади. Суратда: (юқорида) пахта териш машинаси йиғиладиган бош конвейер. Пастдаги суратда: Тошкент область, Пискент районидаги «1-Пискент» совхозининг учинчи бўлимига қарашли 7-бригадаси звено бошлиғи Қўчқор Раҳимов бу йил мавсумда ўз «зангори кема»сида 200 тонна «оқ олтин» териш мажбуриятини олган эди. У Конституция куни шарафига суръатга суръат қўшиб зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

В. СИРОТКИН ва А. МАЛЬЦЕВ фотолари.

Оилавий пансионат

Республикамизда меҳнаткашларнинг саломатлигини тиклаш, уларнинг яхши дам олишларини таъминлаш учун ғоят катта иш қилинмоқда. Жуда кўп профилакторийлар, пансионатлар, санаторийлар, дам олиш уйлари ва зоналари барпо этилди. Ҳозир республикамизда 35 минг ўринли 220 дан ортиқ санаторий ва пансионатлар ҳамда дам олиш уйлари ишлаб турибди. Шундан 75 таси доимий санаторий, 70 таси эса санаторий-профилакторийдир. Ундан ташқари 20 дан ортиқ дам олиш уйлари мавжуд.

«Октябрь 10 йиллиги» пансионати ана шундай шифохоналардан бири бўлиб, у меҳнаткашларнинг оилавий дам олишига мўлжалланган.

Пансионат Тошкент областининг Ориончикдзе районидаги Байтқўрғон қишлоғининг кўркам жойига жойлашган. 1927 йилда Улуғ Октябрнинг 10 йиллиги арафасида биринчи дам олувчиларни қабул қилган бу шифохона ҳозиргача 1 миллиондан ортиқ меҳнаткашларнинг саломатлигини яхшилашга хизмат қилди.

Пансионат 1972 йилдан буён оилавий дам олиш учун мослаштирилди. Бу ерда фарзандлари билан бирга дам олишга келувчиларнинг яхши ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароит муҳайё этилган.

Бир йўла 600 киши овқатланадиган ошхона, кутубхона, ёзлик ва қишлиқ кинотеатр, чойхона, турли ёшдаги болалар учун ўйин майдонлари, ўйинчоқ ва велосипедлар — ҳаммаси дам олувчилар ва уларнинг фарзандлари хизматида. Ҳозир 250 ўринли янги корпус қурилмоқда. Бу корпус 1982 йилда ишга туширилса, дам олувчиларнинг шарт-шароити янада яхшиланади.

Пансионат меҳнаткашларнинг ҳордиқ чиқариши, уларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашдаги хизматлари учун ВЦСПС ҳамда тармоқ касаба союз комитети Фахрий ёрлиқлари, Қизил байроқлар билан мукофотланган.

Пансионат коллективи 1974 йилдан буён «Коммунистик меҳнат коллективи» деган номни шараф билан оқлаб келмоқда.

Бу ердаги шароит ва имкониятларни кўрган киши оилавий пансионатлар, айниқса ёш болалари билан биргаликда дам олишга ихтисослаштирилган дам олиш уйлари, санаторийлар ва пансионатларнинг нақадар афзал эканлигини яққол ҳис этади.

Партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг яхши дам олишлари ва саломатликларини мустаҳкамлашлари учун барча шарт-шароитни яратиш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда. Жумладан, оилавий санаторий ва пансионатларни кўпайтириш чораларини кўрмоқда.

Ҳар бир областда мавжуд саноат корхоналари, ташкилотлар, колхоз ва совхозларнинг социал тадбирлар учун ажратилган маблағлари ҳисобидан ҳиссадорлик йўли билан оилавий дам олиш уйлари қурилишни кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу ишда халқ депутатлари Советлари ва касаба союз ташкилотлари ташаббускорлик кўрсатишлари зарур.

К. КОМИЛОВ.

РАСМИЙ АХБОРОТ

НОҚОРАТУПРОҚ ЎЛКАГА ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездида қилган докладида РСФСР нинг Ноқоратупроқ зонаси қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан белгиланган топшириқларни бажаришда шу зонадаги автоном республикаларга ва областларга оталиқ ёрдами беришни яхшилаш тўғрисидаги йўл-йўриқларига асосланиб КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети қурилиш соҳасида мана шундай ёрдам бериш масалалари юзасидан қарор қабул қилдилар.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг, иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советларининг, ўлка ва область ижроия комитетларининг таклифларига биноан КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети 1981-1985 йилларда РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасида оталиқ ёрдами тарзида бажарилиши лозим бўлган пудрат қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини 775 миллион сўм миқдорида белгиладилар. Бу ишлар қишлоқ хўжалиги учун ва саноатнинг у билан боғлиқ бўлган тармоқлари учун ишлаб чиқариш, маданий-маиший объектлар ҳамда уй-жой бинолари қурилишида амалга оширилади.

РСФСР Министрлар Совети, РСФСР Ноқоратупроқ зонасидаги автоном республикалар ва областларнинг партия ҳамда совет органлари шу зонадаги саноат марказлари меҳнат коллективларининг уй-жой бинолари, автомобиль йўллари, маориф ва маданий-маиший объектлар, шунингдек қишлоқ жойлардаги бошқа объектлар қурилишида янада кенг иштирок этиш соҳасида зарур ташкилотчилик иши ўтказишлари лозим.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларига, маҳаллий партия ва совет органларига белгиланган тадбирларнинг бажарилиши устидан мунтазам контроллик қилиб туриш ва оталиқ ёрдами миқдорини кўпайтириш учун қўшимча имкониятларни қидириб топиш таклиф этилди.

ЯНГИ ХОМ АШЁ БАЗАСИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИЛАДИ

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Астрахань газ-конденсат конини ўзлаштириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Бу қарорда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981-1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларида: Астрахань газ-конденсат кони негизида газ ва конденсат қазиб чиқарадиган ҳамда қайта ишлайдиган, шунингдек олтингугурт ишлаб чиқарадиган саноат комплекси вужудга келтирилиши, деб қўйилган вазифани ҳал этиш кўзда тутилади.

Конни 1984-1986 йилларда ўзлаштириш мўлжалланмоқда. СССРнинг бир қанча министрликлари — Газ саноати, Энергетика ва электрлаштириш, Темир йўллар, Бинокорлик материаллари саноати, Ҳимия саноати, Геология министрликлари зиммасига шу мақсад учун зарур бўлган объектлар қурилиши юзасидан буюртмачи бўлиш вазифаси юкланилди. Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги бош пудратчилар этиб белгиланди. Қурилиш ишларига бошқа министрликлар ҳам жалб қилинади.

1981 йилданоқ лойиҳа-қидирув ишларини, қурилиш ва монтаж ташкилотларининг ишлаб чиқариш базаларини вужудга келтириш, машина-ускуналар ва комплектлаш буюмлари тайёрлаш учун заказлар бериш, йўллар ҳамда учиш-қўниш майдончалари қуриш, юк ташишни ташкил қилиш ишларини авж олдириб юбориш тадбирлари белгиланди. Конни ўзлаштириш ишларига ишчиларни ва мутахассисларни жалб этиш тартиби ҳамда шартлари белгиланди.

Газ саноати министрлигига бир ой муддат ичида маифаатдор министрликлар ва идоралар билан биргаликда Астрахань газ-конденсат конини ўзлаштиришга алоқадор ходимларга медицина хизматини ва маданий хизматни ташкил этиш, газ саноати министрлигига умумий овқатланишни, мазкур ходимларни озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлашни ташкил этишда ёрдам бериш таклиф қилинди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг Астрахань газ-конденсат конини ўзлаштириш учун зарур объектлар қурилишини Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилиши деб эълон қилиш тўғрисидаги ҳамда 1982 йилдан бошлаб бу қурилишга жамоат чақириғи тарзида ёш ишчиларни, шунингдек ёзги каникул даврида студентларнинг отрядларини юбориш тўғрисидаги ташаббуси маъқулланди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети газ саноати ходимлари, қурилиш, монтаж ва транспорт ташкилотларининг ходимлари, партия ва совет органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари мамлакатнинг катта хом ашё базаси бўлган Астрахань газ-конденсат конини ўзлаштириш юзасидан белгиланган топшириқларни муваффақиятли бажариш учун зарур чораларни кўрадилар, деб қатъий ишонч билдирдилар.

ИДОРАЛАРАРО ТЕЖАМКОРЛИК КОМИССИЯСИ

СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — СССР Госснабининг Раиси Н. В. Мартинов раислигида моддий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш масалалари билан шуғулланувчи идоралараро комиссияни тасдиқлади.

Комиссия составига СССР Госснаби, СССР Госплани, СССР Молия министрлиги, бошқа бир қанча давлат комитетлари ва идораларининг, шунингдек СССР Фанлар академияси, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг раҳбар ходимлари киритилди.

Идоралараро комиссия зиммасига:

хом ашё, материаллар, ёқилғи ва энергиядан фойдаланишни яхшилаш соҳасида СССР министрликлари, идоралари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ўтказаётган ишни мувофиқлаштириб туриш;

бу соҳадаги тадбирлар қандай амалга оширилаётганлиги устидан оператив контроллик қилиш вазифаси юклатилди.

Комиссия асосий диққат-эътибори, жумладан, қуйидаги масалаларни:

материаллар ва буюмларнинг тежамли ҳамда самарали турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳамда кенгайтириш, шунингдек материал ишлатишни камайтириш талабларига мос келмайдиган маҳсулот ишлаб чиқаришни изчиллик билан қисқартириш;

энергияни тежайдиган, кам чиқитли ва чиқитсиз технологияни жадал жорий этиш, хом ашёни комплекс қайта ишлаш;

турдош тармоқларда иккиламчи ресурслардан ва саноат чиқитларидан фойдаланишни яхшилаш;

маҳсулотнинг тақчил турларини ўрнини тақчил бўлмаган анча тежамли турлари билан алмаштириш;

маҳсулотни ташиш ва асраш вақтида унинг нобуд бўлишини камайтириш ҳамда маҳсулотнинг табиий озайишини нормалашни тартибга солиш масалаларини кўриб чиқиб, ҳал этишга қаратиш зарур деб топилди.

Комиссия ўз вазифаларини бажариш чоғида моддий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланишга доир вазифаларни ҳал этадиган бошқа марказий органларнинг ўрнини босмаслиги керак, деб белгилаб қўйилди.

Комиссиянинг ўз ҳуқуқ доирасига кирувчи масалаларга оид қарорларини СССРнинг ҳамма министрликлари, идоралари, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар ижро этишлари шарт.

ГАРОВ НАРХЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Советининг озиқ-овқат саноати эҳтиёжлари учун ишга идишлар ресурсларини кўпайтириш, улар учун аҳоли билан ҳисоб-китоб қилишнинг қулайлигини таъминлаш тўғрисидаги қарорига мувофиқ ишга идишларнинг янги гаров нархлари жорий этилди. Сут идишларидан ташқари озиқ-овқат маҳсулотининг 0,5 литргача ҳажмдаги шишалари қиймати донасига 10 тийин, 0,5 литр ва ундан ортиқ ҳажмдаги шишаларнинг қиймати донасига 20 тийин қилиб белгиланди. Тегишли корхоналар ва ташкилотларнинг шу идишни йиғиш ва асраш билан боғлиқ бўлган харажатлари ўрнини қоплаш ҳажмларини ошириш кўзда тутилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Савдо министрлигига, Марказсоюзга, савдо тармоғига эга бўлган министрликлар ва идоралар га савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда ташкилотларининг гаров нархлари белгиланган ишга идишни аҳолидан йиғиб олиш соҳасидаги ишни устидан ҳамда уни озиқ-овқат саноати корхоналарига ўз вақтида топшириш устидан контроллигини таъминлаш таклиф қилинди.

* * *

СССР Министрлар Совети бошқа бир қанча масалалар юзасидан, жумладан:

1981-1985 йилларда иссиқлик изоляциясининг самарадорлигини ошириш ҳамда қурилишдаги иссиқлик изоляцияси ишларини индустриаллаш тадбирлари тўғрисида:

ички ёниш двигателлари учун мотор ёқилғиси ресурсларини кенгайтириш тадбирлари тўғрисида қарорлар қабул қилди.

(ТАСС).

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИ МИНБАРИ

КУНИГА ОЛТИ ПРОЦЕНТДАН

Машина терими бошланганига кўп бўлгани йўқ. Лекин бункерлардан пешмапеш тўкилаётган пахта ҳирмонга қут-барака киритяпти. Бугина эмас, кўпчилик бригада ва бўлимларимиз машиналар шарофати билан йиллик пахта тайёрлаш плани бажарилгани ҳақида рапорт беряптилар.

Бир мисол келтираман: Адҳам Жўраев бошлиқ бригада механизаторлари биринчи теримдаёқ ҳар гектар ердан 26 центнердан ҳосил олишди. Бригада йиллик планни ошириб бажарди. Лекин далаларда ҳали ҳосил кўп. Бригада механизаторлари яна бир план миқдорида пахта териб топшириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Еки бошқа бир мисол: Наим Олимбоев, Ҳасан Эргашев, Бурҳон Икромов, Сулаймон Жумабоевлар бошлиқ бригадаларда машиналар қувватидан оқилона фойдаланилиши туфайли йиллик план икки-уч кунида бажарилди. Ҳар гектар ердан 22—25 центнердан пахта териб олишди.

Илғорларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, машиналарнинг унумли ишлашига шароит яратилган жойларда кўзданган маррага эришилаяпти. Шуни ҳисобга олиб, хўжалигимиз изидаги 72 та «Зангори кема»нинг ҳаммаси тўда ишга туширилди. Ҳар куни давлат тайёрлов пунктига йиллик планнинг 5,5—6 процентли миқдорида нуқул аъло нав пахта жўнатяпмиз.

Машиналар пахтакорларнинг юкини енгил, узоғини яқин қилишга яна бир мисолни тилга олиб ўтаман. Сулаймон Сотволдиев, Омонлиқ Холжигитов, Ҳусан Сулаймонов, Ашурали Тўхташевлар бошчилик қилаётган бригадалар теримда анча орқада қолди. Бунга машиналарнинг вақтида ишга туширилмагани сабаб бўлди. Биз бригада бошлиқларидан қаттиқ масъулият талаб қилдик. Барг тўкилиши билан «Зангори кема»ларни тўда ишга туширдик. Натижада бу бригадаларимиз ҳам 2—3 иш кунида йиллик планларини бажариб, илғорлар сафидан ўрин олишди. Бир сўз билан айтганда Каримжон Турдиқулов бошқарувчилик қилаётган бўлим пахтакорлари машиналарга енг йўл очиб, ғалаба марасига биринчи бўлиб етиб келди. Биз бўлим механизаторлари тажрибасини ҳамманинг мулкига айлантириш чораларини кўрмоқдамиз.

Механизаторларимиз билан маслаҳатлашиб чиқдик. Улар бир гайратга ўн гайрат қўшиб ишлашларини айтишди. Муҳаммад Аҳмадалиев, Зиёдулла Раҳматуллаев, Омон Холжигитов, Абдулла Тошқўзиев, Шукрулла Меҳмонов каби ўнлаб механизаторларимизнинг ҳар бири кунига 10—15 тоннадан пахта териб топширмоқда.

Совхозимиз далаларида юқори ҳосил етиштирилди. 7 минг тонналик маррани сўзсиз эгаллаймиз. Лекин бу билан чекланиб қолмаймиз. Она-Ватанимизга пландан ташқари кўплаб «оқ олтин» етказиб берамиз. Бир грамм пахта нобуд бўлишига йўл қўймаймиз.

Азамат ишчиларимиз пешона тери тўкиб меҳнат қилишяпти. Улар ҳақида ғамхўрлик қилиш биз, хўжалик раҳбарларининг бурчимиздир. Шуни айтиш керакки, теримчилар ва механизаторларнинг кўпроқ, сифатли пахта теришлари учун нималар зарур бўлса ҳаммасини етказиб беряпмиз.

Партия ташкилотимиз меҳнаткашлар орасида социалистик мусобақани кучайтиряпти. Терим суръатини ошириш, йиллик план ва мажбуриятни қисқа муддатда бажариш учун барча имкониятларга эгамиз.

Х. БУРОНОВ,
Меҳнатобод районидаги Ғанишер Юнусов номли совхоз директори.

Т. АБДУСАТТОРОВ,
партия ташкилоти секретари.



АҲДГА ВАФО

Олтинкўл районидаги «Октябрь» колхозининг чевар теримчиси Гулсара Турдиева мавсум бошида дугоналарини юп сифатли пахта теришга ва мусобақалашиб ишлашга чақирган эди. Унинг ватанпарварлик ташаббусини қўллаб теримчилар қўллаб-қувватлашди ва ўз зиммаларига 10—15 тоннадан пахта териш юзасидан мажбурият олишди.

Гулсара Турдиеванинг ташаббусига Карима Асқарова ҳам қўшилди. У ўз дугонасини мусобақага чақирди. Ғайрат билан қилинган меҳнат дастлабки самарасини берди. Улар қисқа вақт ичида ҳирмонга 5 тоннадан «оқ олтин» тўкишди. Мусобақадошлар ваъдага вафо қилиш учун астойдил меҳнат қилиб, кунига 230—250 килограммдан пахта теришга эришяптилар. Суратда: чевар теримчи Гулсара Турдиева.

А. Мирзажонов фотоси. (ЎзТАГ).

СССР Конституцияси куни шарафига

Ўзбекистон жамоатчилиги умумхалқ байрами — СССР Конституцияси кунини кенг нишонламоқда. Ана шу шонли сана арафасида республика шаҳарлари ва қишлоқларида, саноат корхоналари, қурилишлар, колхоз ва совхозларнинг ўқув юртларининг коллективларида таътанали кеча ва суҳбатлар ўтказилди.

СССР Конституцияси кунига бағишланган таътаналарнинг қатнашчилари қабул қилинган социалистик мажбуриятларини бажариш мусобақа илғорларини табрикладилар. Байрам концертлари қўйиб берилди.

(ЎзТАГ).

ТЕРИМ ЗАРБДОРЛАРИ

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ

Арнасой районидаги Рокоссовский номли совхозининг механик-ҳайдовчиси **Жўрақул ҒАНАЕВ** мавсумда 300 тонна пахта териш мажбуриятини олган. У кунига 15—16 тоннадан пахта теришга эришяпти. Унинг хирмонга тўккан пахтаси 200 тоннадан ошди.

х х х

Жиззах районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз механизатори **Рауфжон ҚОДИРОВ** 300 тонналик марра учун кураяпти. Куни кеча у 14 тонна пахта териб, колхозда рекорд кўрсаткичга эришди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

Элликқалъа районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхози механик-ҳайдовчиси **Искандар ҚАЛАНДАРОВ** ўз агрегати бункеридан 400 тонна «оқ олтин» тўкишга аҳд қилган. У теримнинг дастлабки кунларидаёқ 10—12 тоннадан пахта теришга муваффақ бўляпти.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ

Хива районида онлавий теримчилар кўп. Улар қаторида Огаҳий номли колхозидан **Ёқутжон, Муяссар, Карима, Зулайхо САЛОЕВАЛАР** бор. Бу ватанпарвар теримчилар мавсумда 40 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олишган. Онлавий теримчилар кунига хирмонга 430—450 килограммдан дурдона тўкиб, марра сари тобора яқинлашишяпти.

х х х

Шовот районидаги «Ўзбекистон» колхозининг чевар теримчиси **О. ОТАМУРОДОВА** мавсумда 13 тонна «оқ олтин» теришга аҳд қилган. У хирмонга кунига 150 килограммдан, мавсум бошидан буён эса 4,5 тонна пахта тўкди.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР КИЛАДИ

ЗАФАР САТРЛАРИ

Бекобод районидаги «Ленинград» совхози саршунослари 1600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан хирмон кўтариб пахта тайёрлаш йиллик планини адо этдилар. Совхоз коллективи ўз имкониятларини чамалаб кўриб, гектаридан яна 13 центнердан ҳосил олишга аҳд қилди.

* * *

Оқўрғон районидаги «Ленинизм» колхози ҳам йиллик планни бажарди. Тайёрланган 4,038 тонна пахтанинг 3.600 тоннаси машиналар ёрдамида териб олинди.

ИЛҒОРЛАР ИБРАТИ

Ингичка толали пахтани машиналар билан териб олишда Сариосиё райони механик-ҳайдовчилари юқори самарадорликка эришмоқдалар. Бу ерда ҳар бир агрегатнинг кунлик ўртача иш унуми 4,9 тоннани ташкил этаётир. Гагарин районида ҳар бир агрегат билан кунига 3 тоннадан ипак пахта териб олинмоқда.

Ленин йўли районидаги Ленин номли совхозда пешқадам механик-ҳайдовчи Оллеберди Хўжаёров шарафига байроқ кўтарилди. У бир кунда 21 тоннадан ошириб пахта теришга эришди.

* * *

Задарё районидаги «Украина» совхозининг 2-бўлими пахтакорлари СССР Конституцияси байрамига муносиб меҳнат совғаси билан келдилар. Бўлим заршунослари 525 гектар кўриқ ердан 1242 тонна юқори сифатли «оқ олтин» йиғиб-териб олдилар. Топширилган ҳосилнинг 90 процентдан кўпроғи машиналар ёрдамида терилди. Бўлим пахтакорлари мавсум охиригача ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш мажбуриятини олишди.

ПАХТАКОРГА МАДАДКОР

...сонсой район маданият бўлими мавсум иштирокчиларига хизмат кўрсатиш учун агитбригада ташкил этди. Унинг составига лекторлар, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг аъзолари, маданият, кинофикация, медицина ва маиший хизмат кўрсатиш ходимларидан иборат 20 киши киритилди. Бригада аъзолари ҳар куни райондаги 3—4 бригадага комплекс хизмат кўрсатишмоқда.

ДАСТЛАБКИ МУВАФФАҚИЯТ

Китоб районидаги «Шарқ юлдузи» совхози саррага етиб келди. Бу ерда 560 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41 центнердан хирмон кўтарилди. Совхоз коллективи ҳосилдорликни 51 центнерга етказиш мажбуриятини олди.

Ғузор районидаги Киров номли совхозининг 1-бўлими аъзоматлари ҳам қабул пунктига 316 тонна хом ашё топшириб пахта тайёрлаш йиллик планини муваффақиятли уддаладилар.

Кўпмингкилограммчилар мехнат баҳсида Ульянов районидаги 5-совхоз теримчиси Гулбаҳор Очилова ҳаммадан ўзиб кетди. У ҳар куни 370—380 килограммдан «оқ олтин» теришга эришаётир.

ПЕШҚАДАМЛАР

Андижон области механизаторлари мусобақасида Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхоз-техникуми суворийлари пешқадамлик қилишаётир. Хўжалик далаларида 105 агрегат ишлатилаяпти ва уларнинг ҳар бири билан кунига 5,1 тоннадан пахта териб олинмоқда. Мирза Фаизов, Комил Зайнобиддинов сингари механизаторлар ҳайдовчилар ҳар куни 9—10 тоннадан пахта термоқдалар.

Москва районидаги «Ленинизм» колхозидан Ўктамхон Тожибоева бригадаси 50 центнерлик марра учун кураш бошлади. Бригада коллективи гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтариб, район биринчилар қатори йиллик планни бажарганлиги тўғрисида рапорт берди.

* * *

Шовот районидаги «Партия XIX съезди» колхозидан Ўринбой Искандаров бригадаси дастлабки маррани забт этди. Бригадада 55 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 39 центнердан ҳосил олинди. Заршунослар мавсум охиригача ҳосилдорликни 60 центнерга етказишни кўзлашмоқда.

* * *

Киров номли колхоз далаларида меҳнат қилаётган Янгиариқ район касалхонасининг ходимлари теримда фаоллик кўрсатишмоқда. Назира Ҳамитова, Гавҳар Раҳимова, Раъно Ражабова, Гулбаҳор Жуманиёзова сингари медицина ҳамширалари ҳар куни 120—140 килограммга етказиб пахта тераётир.

ЧЕВАРЛАР НАМУНАСИ

Тўрткўл районн кўпмингкилограммчилари СССР Конституцияси байрамини меҳнатда юқори кўрсаткичларни қўлга киритиш билан кутиб олдилар. Энгельс номли колхозининг теримчиси Замира Есенжокова ҳар куни 220—230 килограммдан пахта териб барчага намуна бўлаётир. «Победа» колхозидан Угилноват Бойжонова, Ильич номли колхозидан Олма Собирова, «Ленин йўли» колхозидан Қизил Отаева сингари чеварлар кунлик нормаларини 2—3 ҳисса ошириб бажаришга эришмоқдалар.

ПАХТАЗОР ХУШХАБАРЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН. Райондаги «Пахтақайнар» колхози механизаторлари ғайрат отига қамчи босмоқдалар. Куни кеча райондаги хушхабар тарқалди. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Абдураҳмон Орипов машинада 15 тонна пахта териб, энг юқори сўрс кўрсаткичга эришди. Пахтанинг ҳаммаси юқори сортга қабул қилинди. Донгдор механизатор мавсумда 560 тонна пахта теришга сўз берган. Унинг сафдошларидан Ҳошимжон Абдуллаев, Мадаминжон Усмонов, Нурматжон Ашурматовлар ҳам бункерлардан 10—12 тоннадан пахта тўкмоқдалар. Улар хизмат қилаётган бригадаларда кунлик планнинг 14—15 процентн миқдорида пахта тайёрламоқда.

М. ДАВРОНОВ.

* * *

ИШТИХОН. Бу йил 10 минг тонна пахта тайёрлаб, йилни ҳосилнинг 80 процентини машиналарда теришга қарор қилган «Муротобод» колхози пахтакорлари йигим-теримни кескин қизитишга аҳд қилганлар. Шу мақсадда бутун куч ва техника воситалари дала ишларига сафарбар этилди. 60 центнерчи Абдувоҳид Эшқувватов, Саид Султоновлар бошлиқ бригадаларда суръат тобора оширилмоқда. «Зангори кема»ларнинг ишга туширилиши хирмонга қутбарака киритмоқда. Бу бригадаларнинг пахтакорлари хирмонга фақат аъло нав «оқ олтин» топширмоқдалар.

У. САИДОВ.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАЖРИБАСИ ФОЙДАЛИ ВА ИБРАТЛИДИР

Қишлоқни ривожлантиришнинг социал жиҳатларига бағишланиб Тошкентда ўтказилган халқаро семинар ўз ишини тугаллади. Семинарни ВЦСПС, халқаро меҳнат ташкилоти ва БМТнинг кадрлар тайёрлаш ҳамда тадқиқотлар институти уюштирган эди.

Жазоир, Тунис, Гвинея, Мали ва Африка қитъасидаги бошқа мамлакатларнинг касаба союз вакиллари, турли давлат идораларининг мутахассислари, раҳбарлари, ходимлари қишлоқни ривожлантиришнинг иқтисодий ва социал проблемаларини, жумладан планлаштириш, демографик омиллар, мазкур проблемаларни ҳал этишда давлат ва жамоат хизматларидаги ёшлар ҳамда хотин-қизларнинг роли каби масалаларни ўн кун мобайнида муҳокама қилдилар.

— Тошкентдаги учрашув жуда самарали бўлди, —деди ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда семинар раҳбари, Бирлашган Камерун Республикасининг вакили Жан Чапчет. —Биз семинар қатнашчиларининг ва Ўзбекистон министрликларидаги масъул ходимларнинг, олимлар ва касаба союз арбобларининг сермазмун докладларини тинглабгина қолмасдан, шу билан бирга корхоналарга, совхозлар ва колхозларга бориш, уларнинг раҳбарлари билан, ишчилар ва деҳқонлар билан суҳбатланиш имкониятига ҳам эга бўлдик. Бизни республика қишлоқ хўжалигини планлаштириш системаси, республика деҳқонларининг меҳнат шароитлари қизиқтирди. Экономика ва маданиятнинг барча соҳаларида Ўзбекистон эришган ютуқлар бизда зўр таассурот қолдирди. Унинг тажрибаси ривожланаётган мамлакатлар учун фойдали ва ибратлидир.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида, касаба союзлари республика Советида қабул қилиндилар. Улар Самарқандга бориб келдилар.

ЧЎЛ ХУРУЖИ ТЎХТАТИЛАДИ

6 октябрь куни Тошкентда халқаро илмий симпозиум иш бошлади. БМТнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги программасига мувофиқ чақирилган бу симпозиумга «Чўл хуружига қарши комплекс тараққиёт йўли билан курашиш» мавзу қилиб олинган. Унда барча қитъалардан келган олимлар, мутахассислар қатнашмоқдалар. Симпозиум ташкилот комитетининг раиси академик И. П. Герасимов кириш нутқи сўзлаб симпозиумни очди.

Учрашув қатнашчилари чўл вужудга келиши билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб оладилар, шу жараёнга қарши прогрессив кураш методларини муҳокама қиладилар. Программага кўра Марказий Осиё ва Ўзбекистоннинг бошқа зоналарида ерларни катта кўламда агросаноат йўли билан ўзлаштиришни ташкил этиш борасида орттирилган тажрибалар билан таништирилади.

(ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БЎЛИМИ ПОЧТАСИДАН

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ДАМЛАР

Сўнгги ўн кунликда бўлим жойлардаги штатсиз мухбирлар, жамоатчи кенгашларнинг вакоялари, кўп сонли ишчи ва қишлоқ мухбирларидан 270 дан зиёд хат-хабарлар олди. Уларда СССРнинг 60 йиллиги шарафига қизғин меҳнат кўтаринкилиги билан зарбдор вахтага чиққан пахтакорлар, сохибкорлар, сабзаваткорлар, ғаллакорлар ва чорвачилик пешқадамлари ҳақида мароқ билан ҳикоя қилинади.

Қашқадарёлик жамоатчи мухбиримиз О. ТОҲИРОВ хабар беради:

— Муборакдаги «КПСС XXVI съезди» совхози заршунослари йиғим-теримда пешқадамлик қилишяпти. Айниқса, совхознинг 4-бўлимига қарашли Зиёдулла Йўлдошев бошлиқ бригада пахтакорлари эришаётган ютуқлар таҳсинга лойиқ. Коллектив мавжуд майдонлардан илк теримдаёқ 105 тонна чўл дурдонаси йиғиштириб олиб, йиллик топшириқларини барвақт ado этди. Навбат —140 тонналик социалистик мажбуриятга!

Наманган область, Задарё районидаги «Гулбоғ» совхозининг план бўлими ходими Б. МАҲМУДОВ хатидан:

— Етиштирилган ҳосилнинг 94 процентини «зангори кема»ларда теришга бел боғлаган совхоз механизаторлари мусобақада олдинда боришяпти. Ўтган куни механизатор Қўлдошали Ёқубов ўз агрегати бункеридан 14 тонна «оқ олтин» бўшатди. Икромали Бойжигитов, Муҳаммад Аҳмедов сингари суворийлар ҳам ўз ҳамкасбларидан қолишмаяпти. Уларнинг ҳар бири бугунгача 170—180 тоннадан пахта теришди.

Қорақалпоғистонлик М. ҚУРБОНИЁЗОВ ёзади:

— Механизатор Жамила Бекчоновани Элликқалъа районида барча «онлавий экипаж сардори» деб ҳурмат билан тилга олишади. «Москва» совхозининг бу илғор механизатори съездлар йилида турмуш ўртоғи Абдулла Искандаров, ука-си Ўктамжон Султонов билан бирга 500 тонна «оқ олтин» териб беришга аҳд қилган.

Йил бўйи қилинган ҳаҳрамонона меҳнат самаралари, пахта учун олиб борилган мардонавор кураш якунлари ва шу кунларда шиддат билан бораётган дала ишлари суръати тўғрисида фарғоналик **Ф. Абдуллаев, К. Усмонов, Т. Камолиддинов, А. Анваржонов, С. Каримов, Р. Султонов, М. Абдуллаев, М. Эшматова, Э. Муқимов, А. Қодиров**, қашқадарёлик **Э. Норов, Ж. Авазов, Ҳ. Турдиев**, наманганлик **К. Тўраев, Ш. Нишонов, С. Даминов**, хоразмлик **С. Нодирматов, К. Иброҳимов**, андижонлик **М. Жўраева, Р. Жуманиёзов**, самарқандлик **И. Холиқулов, Ў. Саидов**, жиззахлик **А. Имомов, А. Эргашев**, қорақалпоғистонлик **Э. Ергалиев**, тошкентлик **А. Мингбоев** ўртоқлар хабар қиладилар.

Айни пайтда йиғим-теримнинг шиддатли суръатига тушолмаётган, машина-механизмлар ва ишчи кучларидан унумли фойдаланолмаётган, дала ишлари уюшқоқлигини таъминлай олмаётган меҳнат коллективлари тўғрисида ёзилган хат-хабарлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, **Фарғона область, Ўзбекистон район халқ назоратчилари** ўтказган сўнгги бир тафтиш шарҳи шундай:

— Район пахта далаларида 55 минг тонналик улкан хирмонни қоплайдиган даражада ҳосил етиштирилган. Бироқ, терим ишлари қизғин кетаётган шу кунларда айрим хўжаликларда йўл қўйилаётган нуқсонлар ортиқча меҳнат ва сарф-харажатларга олиб келяпти. Ленин номли колхозининг Бурҳонжон Мўйдинов, Исҳоқжон Ҳошимов, «Комсомол» совхозининг Гуломқодир Ражабов ўртоқлар бошлиқ бригадалари далаларида ҳар гектар ерда ўрта ҳисобда 2—3 центнердан ҳосил нобуд бўлаётир. Терим ишлари суръати ва сифати устидан назорат талаб даражасида ташкил этилмаган...

РЕДАКЦИЯДАН: Кўриниб турибдики, айрим жойларда ҳосил тақдирини ҳал қилувчи ғанимат фурсатлар бой берилаяпти. Йўл қўйилаётган сусткашлик ва хотиржамлик оқибатида белгиланган кундалик планлар бажарилмаётир. Ваҳоланки, бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўп ва сара пахта териш, октябрь ойининг иссиқ-илиқ кунларидан баракали фойдаланиб, грфикларни мунтазам ортиги билан бажариш барчанинг муҳим вазифаси, юксак бурчидир!

Ҳамма шу куннинг жасорат майдони — пахтазорга!

Чет эллардa

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

БАЛИҚ ОВЛАШ МАВСУМИ

ПРАГА. Чехословакиянинг асосий балиқчилик базаси бўлган Жанубий Чехиянинг сув ҳавзаларида кузги балиқ овлаш мавсуми бошланди. Бу йил майдони 30 минг гектардан ошадиган 4 минг-та ҳовуз ва кўлларда балиқ овланади. Асосан зоғарабалиқ овланади. Бу балиқ кўл ва ҳовузларда 90 процентни ташкил этади.

Жанубий Чехия Чехословакия балиқчилигининг маркази бўлиши бежиз эмас. Бу ерда XVI—XVII асрлардаёқ кўл ва ҳовуз хўжалигининг самарали системаси барпо этилган эди. Ноёб табиий шароитлар бунга ёрдам берди. Шу туфайли балиқ жуда мазали бўлади. Халқ ҳокимияти йилларида балиқчилик гуркираб равнақ топди. Эндиликда балиқчилик қатъий илмий асосда олиб борилмоқда, балиқчиларнинг меҳнати эса механизациялаштирилган.

Балиқни урчитишнинг янги методлари, жумладан катакларда урчитиш усули тармоқда тобора кенг жорий этилмоқда. Бунда балиқ ҳажми 10 кубометр келадиган катта катакларда боқилади. Балиқларнинг мунтазам равишда озиқлантириб турилиши уларнинг анча тез ўсишига ёрдам бермоқда.

КУКУН МЕТАЛЛУРГИЯСИ РИВОЖЛАНМОҚДА

СОФИЯ. Болгар ва совет мутахассислари ҳамкорликда металл кукунидан буюмларни иссиқ ҳолда штамповкалаш технологиясини ишлаб чиқишди. Бу эса деталларнинг пишиқлиги ва сифатини анча ошириш имконини бермоқда. Бу технологияни саноатда ўзлаштириш БХРда шу йилнинг ўзидаёқ бошланади.

Кукун металлургияси — Болгария халқ хўжалигининг нисбатан ёш, лекин истиқболли тармоғидир. Кукун металлургияси металлар ва уларнинг қотишмаларидан кўп процент — тахминан 99 процент фойдаланишни таъминлайди. Ана шу метод ёрдами билан мураккаб шаклдаги деталларни тайёрлаш мумкин бўлади. Бундан ташқари, электр энергиясини сарфлаш қарийб икки баравар қисқаради, атроф муҳитнинг ифлосланиши камаяди, меҳнат унумдорлиги ошади.

Ҳозирги вақтда Болгария машинасозлигида, электротехникасида, медицина ва қишлоқ хўжалигида кукун металлургияси методлари асосида буюмларнинг бир мингдан кўпроқ тури ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирги саккизинчи беш йилликда ва бундан кейинги беш йилликда зарур кукунлар ва аралашмаларни ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш режалаштирилмоқда. Булардан бир неча минг хил буюмларни кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳам кўзда тутилади. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ДАМАШҚ. Дамашқда Матонат ва қаршилик кўрсатиш миллий фронти аъзоси бўлган мамлакатлар намояндаларининг маслаҳатн давом этмоқда. Сурия президенти Ҳ. Асад Ливия қуролли кучлари бош штабининг бошлиғи Мустафа ал-Харрубийни қабул қилди. Мустафа ал-Харрубий Ҳ. Асадга Ливия революциясининг бошлиғи М. Каддафининг мактубини топширди.

НЬЮ-ЙОРК. Ислом конференцияси ташкилотининг аъзолари бўлган давлатлар Қўшма Штатлар билан Исроил ўртасида «стратегик ҳамкорлик» тўғрисидаги битимни қоралади-лар. БМТ қароргоҳида Ислом давлатлари ташқи ишлар министрларининг кенгаши бўлиб ўтди. Улар «араб халқига ва ислом дунёсига нисбатан душманлик сиёсатининг давом эттирилишига қарши» АҚШни огоҳлантирувчи қўшма ахборот қабул қилдилар. (ТАСС).

ЭРОН:

САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ

Эрон ички ишлар министрлиги 2 октябрь куни бўлиб ўтган президент сайлови натижаларини эълон қилди.

Овоз беришда қатнашган 16 миллион 200 мингдан кўпроқ киши ҳукмрон Ислом республикаси партиясининг раҳбари Али Ҳусайни-Хоменеи номзоди учун овоз берди.

Шундай қилиб, ҳожатул-ислом Ҳусайни-Хоменеи Ислом Республикаси президенти лавозимига сайланган биринчи диний арбоб бўлди.

ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИНИ АВЖ ОЛДИРИШ СИЁСАТИГА ҚАРШИ

БОНН. Германия Федератив Республикасининг кўпдан-кўп гражданлари АҚШ маъмурияти ва НАТО ўтказаётган қуролланиш пойгасини авж олдириш сиёсатига қарши чиқмоқдалар. ГФР тинчлик тарафдорларининг «Крефельд хитобномаси» остига тўпланган бир ярим миллион имзо ана шундан далолат беради. «Атом ажали бизнинг ҳаммамизни таҳликага солмоқда! ГФР территориясида Америкининг янги ядро ракеталари жойлаштирилишига йўл қўйилмасин!» — дейилади Гарбий Германиянинг нацизм даврида таъқиб этилган кишилар уюшмаси — антифашистлар иттифоқи президиумининг баёнотида.

Уруш даҳшатларини ўз бошимиздан кечирган антифашист қаршилик ҳаракатининг собиқ курашчилари бўлган бизлар яхши биламиз барча кишиларни кучайиб бораётган ядро хавфига қарши биргаликда курашишга чақирамиз, — дейилади ҳужжатда. ГФР территориясида Америкининг ўртача олисликка учадиган янги ядро ракеталарини жойлаштириш миллий манфаатларга зид бўлиб, тинчлик ишига хавф солади, деб таъкидланади баёнотда.

БРЮССЕЛЬ. Бу ерда эълон қилинган жамоатчилик фикрини сўраб билиш якунларидан шу нарса кўриниб турибдики, мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпроғи ҳозирнинг ўзидаёқ Америкининг ўртача олисликка учадиган ядро ракеталарига қарши чиқмоқда.

25 октябрь куни Брюссельда ядро қуролланишига қарши миллий намойиш ўтказишни мўлжаллаётган бельгиялик тинчлик тарафдорлари милитаризмга қарши кампанияни кенг кўламда авж олдирдилар. Ана шу умуммиллий намойишнинг муваффақиятини таъминлаш учун бу ерда янги жамоат ташкилоти — ядро қуролсизланиш учун кураш комитети тузилди.

Янги ядро қуролини рад этиш, дейилади комитетнинг бу ерда тарқатилган баёнотида, қуролсизланиш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлур эди. Бельгия ҳам, Европа ҳам бу қуролга мухтож эмас. Бизлар қанотли ракеталар, «Першинг»лар ва нейтрон бомбага йўл йўқ дейямиз.

РИМ. Америка маъмуриятининг ядро аслаҳахоналарини кенгайтириш тўғрисида эълон қилган янги программа жаҳон халқлари тақдирига хавф солади ва қурол-яроғларни чеклаш масалаларига оид музокараларни бошлашга салбий таъсир ўтказади, албатта. Италия Компартияси раҳбарлигининг аъзоси, Италия парламентининг депутати К. Пайетта ташқи сиёсий проблемаларга бағишланган мунозаралар вақтида депутатлар палатасида сўзга чиқиб, ана шу ҳақда гапирди.

У Италия ҳукуматининг Сицилия оролидаги Комизо шаҳрида Америкининг ядро ракеталари учун базалар қуриш тўғрисидаги қарори бекор этилишини талаб қилди ва Италия ҳукумати мамлакат территориясида даҳшатли нейтрон қуролини жойлаштиришдан воз кечиш тўғрисида баёнот эълон қилиши зарурлигини таъкидлади. (ТАСС).

ПОЛЬШАДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

ВАРШАВА. (ТАСС). Польшадаги «Жечпивистость» ҳафталиги «Бирдамлик» касаба союз бирлашмаси Гданьскдаги съездининг тугай деб қолган иккинчи давраси муносабати билан мамлакатдаги вазиятни баҳолаб, иш ташлашларга, авантюраларга, ғовогарликларга ва бош-бошдоқликка дарҳол «йўқ» деб айтиш керак, дея таъкидлайди. Ҳозир ҳам ошкора, ҳам ўрмаловчан контрреволюцияни жиловлаш учун давлатнинг ихтиёридаги ҳамма кучларни сафарбар қиладиган вақт келди. Социализмга ва Польшага душман кучлар курашсиз таслим бўлишларига умид боғлаш ярамайди. «Бирдамлик» раҳбарлари ўз мақсадларига изчиллик ва шафқатсизлик билан эришишга интилмоқдалар. Биз ҳозир ҳавф остида турибмиз, деб ёзади сўнгра ҳафталик. Урушдан кейинги тарихимиздаги ҳеч бир хатар ҳозирги хавфга тенглаша олмайди. Польшадаги кўп кишилар келажакка безоватлик билан назар ташламоқдалар ва декларацияларга тобора истироб билан қулоқ солмоқдалар, бу декларацияларнинг самараси ҳозир жуда умидсизлик билан баҳоланмоқда. «Мулоқот ва битим» йўлини «Бирдамлик» раҳбарлари дафн этиб бўлдилар.

Хом хаёллар даври тугади; бизга тиқиштирилган сиёсий курашга жавобан иш тутмоқ керак, Польшанинг барча ижтимоий ва сиёсий кучларига мурожаат қилиш, уларга ҳақ гапни айтиш керак.

Агар бутун ҳақиқат айтиладиган бўлса, «Бирдамлик»даги ишчилар оммаси Рулевский, Буяк, Михник, Куронь ёки, Модзелевский сингари одамлардан юз ўгирадилар, бунинг учун ҳам партияда, ҳам жамиятда фронт чизиги аниқ-равшан белгиланиши шарт, албатта. ПБИПни тугатишга даъват қилаётган гданьсклик Лис ва шу каби одамлар партия сафида турар эканлар, ҳукумкорлик ҳаракатларига бўлган қобилиятни сақлаб қолиш мумкин эмас.

Ҳар бир поляк анархия ва вайронгарчилик билан мамлакатни жар ёқасидан қайтара оладиган ҳалол меҳнатни бир-биридан фарқ қилиши керак бўлган пайт келди. Курашаётган иккала куч ўртасида бепарво кузатувчиларга ўрин йўқ. Умумий тақдиримиз учун, миллий келажагимиз учун кураш давом этмоқда.

Партия Марказий Комитетига келаётган телеграмма ва хатларда ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг баёнотини қўллаб-қувватловчи ва конкрет ҳаракатлар қилинишини қатъият билан талаб қилувчи овозлар устун бўлиб турибди. Қонунларга риоя этилмаса, меҳнат қилинмаса давлат яшай олмайди. Яхши ташкил этилмаган меҳнат натижа бермайди. Осойишталик ва тартиб — социалистик янгиланишни давом эттиришнинг зарур шартидир. Кўпорувчи кучларга, сиёсий авантюрачиларга ва ижвогарларга қарши кураш йўли билангина иқтисодий ва социал ислоҳотларни амалга ошириш мумкин, деб ёзади пировардида «Жечпивистость» ҳафталиги.



Пойтахтимизнинг Чилонзор районидаги 368-болалар боғчасида талаффузида нуқсон бўлган болалар даволаниб, тарбияланади. Меҳрибон шифокор ҳамда мураббийларнинг билим ва тажрибалари, тиниқмисиз меҳнати туфайли кичкинтойлар бундай камчиликдан тез форғ бўлмоқдалар. Ташкил топганидан буён бу боғча коллективи мактабларга мингга яқин ўғил ва қиз болалар тайёрлади. Ҳозир улар ҳеч қийналмай ўқимоқдалар. Суратда: мутолаа пайти.

А. Илёсов (ЎзТАГ) фотоси.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АХБОРОТ

СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН

Қўқондаги «Электромаш» заводи кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштирган ва тез ажратиладиган туташтирувчи муфтага Сифат белгиси берилди. Бу оддий мослама пайвандлаш кабелларининг бир-бири билан пухта туташтирилишини, уларнинг аварияси ишлашини таъминлайди. Эндиликда завод маҳсулотининг 90 процентдан кўпроғига фахрли беш бурчак тамға қўйиб чиқарилмоқда.

ЯНГИ ҲОСИЛДАН

Урганч ёғ заводи янги ҳосил пахтасининг чигитидан олинган дастлабки бир неча тонна ёғни савдо шохобчалари тармоғига жўнатди. Озиқ-овқат саноати ходимлари янги мавсумда кунига ўтган йилдагидан 100 тонна кўп хом ашёни қайта ишлаб бера бошладилар. Эндиликда ҳар кеча-кундузда 700 тонна чигит агрегатлар орқали ўтади. Поток линиялар профилактик ремонт қилинганлиги қўшимча ускуналар: янги вальцовка машиналари ва чигитнинг пўстини ажратадиган машиналар ўрнатилганлиги шунча кўп хом ашёни қайта ишлаш имконини берди.

ҚУРИҚ ЕРЛАР ЎЗЛАШТИРИЛМОҚДА

Эллиққалъа совхоз-техникумида пахта етиштириш икки баравар кўпаяди, бунга хўжалик ичида барпо этилган янги автомобиль йўли ёрдам беради. Бу ерда марказий қўрғондан Янгиобод массивидаги янги суғориладиган майдонларга олиб борадиган 4 километрли йўл ётқизиб бўлинди. Янгиобод массивида қамида минг гектар қўриқ ери ўзлаштириш кўзда тутилмоқда.

МУЗЕЙ ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ

Самарқанд область матлубот союзида матлубот кооперацияси тарихий музейи ташкил қилинди. Музей экспонатлари орасида 1919 йилги тандир макети, замонавий қишлоқ нон заводларининг фото суратлари, кооперативларнинг турли йиллардаги уставлари, ишлаб чиқариш илғорлари тўғрисида, энг яхши ошпазлар, новвойлар, автодўконларнинг шоферлари ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар бор.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

1966 ЙИЛГИ 3 ФОИЗ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛАР ЗАЁМИ 122-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1981 йил 30 сентябрда Запорожье шаҳрида бўлиб ўтди.

ЗАЁМНИНГ ҲАММА БИР ЮЗ БИР РАЗРЯДИДАГИ СЕРИЯ ВА ОБЛИГАЦИЯЛАРНИНГ ҚУЙИДАГИ НОМЕРЛАРИГА ЮТУҚЛАР ЧИҚДИ.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
100162	43*)	500	134273	30*)	500	162974	41*)	500
100373	1—50	100	134554	22*)	1.000	163038	1—50	40
101218	1—50	100	134557	1—50	40	163813	28*)	500
101708	36*)	1.000	134784	36*)	500	164024	1—50	40
101875	11*)	1.000	138468	44*)	1.000	164290	1—50	40
102114	19*)	500	138502	48*)	1.000	165089	50*)	1.000
102176	39*)	500	138612	18*)	500	166373	38*)	500
102564	1—50	40	138666	1—50	40	167105	16*)	500
102773	1—50	40	139178	1—50	40	169181	19*)	500
104529	06*)	1.000	141182	05*)	500	169328	49*)	500
106001	1—50	40	141215	1—50	40	169516	1—50	40
106018	24*)	500	142920	1—50	40	170090	1—50	40
106175	1—50	40	143100	1—50	100	170299	1—50	100
106715	48*)	1.000	143498	1—50	40	170655	27*)	500
108354	20*)	2.500	143616	36*)	500	171746	31*)	5.000
108658	35*)	500	144109	1—50	100	172110	40*)	500
110083	1—50	40	145034	13*)	500	174175	15*)	500
112655	44*)	500	145040	44*)	500	174399	42*)	500
112903	45*)	500	145308	1—50	40	175573	30*)	500
114229	27*)	500	145793	43*)	500	175636	06*)	1.000
114381	01*)	500	145873	14*)	500	177405	1—50	40
114541	45*)	500	146592	27*)	500	177540	49*)	500
114684	1—50	100	146658	23*)	500	177958	1—50	100
114998	1—50	100	146856	19*)	500	178193	04*)	1.000
115564	43*)	500	147062	1—50	40	178495	25*)	500
115610	31*)	500	147298	49*)	500	178665	24*)	5.000
115632	41*)	500	147862	22*)	500	179784	1—50	100
115977	26*)	500	147866	38*)	500	180100	24*)	500
117783	01*)	1.000	148031	05*)	500	182034	1—50	40
118371	1—50	100	149022	1—50	100	182564	31*)	500
118609	06*)	500	150245	16*)	2.500	183194	46*)	500
119012	38*)	500	150289	07*)	500	183326	01*)	500
119353	39*)	500	150604	27*)	1.000	183369	24*)	500
120343	27*)	500	150667	1—50	40	183523	03*)	500
120578	31*)	500	150955	03*)	500	184194	38*)	500
120678	1—50	100	151224	04*)	500	185463	1—50	100
121629	16*)	500	151264	12*)	500	185662	29*)	500
121973	50*)	500	151551	1—50	40	185692	1—50	40
122037	1—50	40	151818	1—50	40	185850	37*)	1.000
122700	29*)	500	151841	36*)	2.500	185912	1—50	40
122905	42*)	1.000	152468	41*)	1.000	186660	06*)	2.500
123166	39*)	500	152652	08*)	500	187062	43*)	500
123199	13*)	500	153165	03*)	500	187360	1—50	40
123468	45*)	1.000	153691	44*)	500	187713	10*)	500
123768	05*)	500	153733	28*)	500	188470	31*)	500
123894	05*)	500	154021	10*)	1.000	189812	48*)	1.000
124536	10*)	500	154290	45*)	500	189884	26*)	500
125068	12*)	500	154807	16*)	500	189895	45*)	1.000
125887	45*)	500	156056	23*)	500	190183	12*)	500
126034	27*)	500	156624	20*)	500	190608	1—50	40
126485	1—50	40	156886	1—50	40	191639	11*)	500
128820	22*)	500	156961	1—50	40	191686	10*)	500
130318	14*)	500	157112	1—50	100	192154	28*)	500
130740	1—50	40	157279	46*)	500	194021	32*)	500
131063	1—50	40	157457	26*)	500	194268	46*)	500
131584	27*)	500	159348	34*)	500	195202	49*)	500
131623	37*)	500	159824	27*)	500	197576	02*)	500
131651	05*)	500	159953	1—50	40	197792	1—50	100
131659	16*)	1.000	160221	07*)	500	198464	1—50	40
132272	14*)	500	160532	07*)	500	198722	05*)	500
132763	35*)	2.500	160532	07*)	500	199247	14*)	500
133442	33*)	500	161086	1—50	40	199251	14*)	500
133995	49*)	500	162343	1—50	40	199368	02*)	500

*) Шу сериялаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 40 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда йиғирма сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

Ўн сўмлик облигацияларга ютуқларнинг ярми тўланади.

Ютуқ суммасига облигация қиймати ҳам қўшилган.

Бу жадвал расмий ҳужжатдир. Ўзбекистон ССРдаги омонат кассалари газетанинг янги сони келганидан сўнг ютуқларни шу жадвалга мувофиқ белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказиш бўйича комиссиянинг раиси — халқ депутатлари Запорожье область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари И. П. Ножкина.

Комиссия масъул секретари — В. П. Замолодчиков.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 8/Ҳда **Ун учинчи раис,** 9/Ҳда **Кузнинг биринчи куни,** 10/Ҳда **Олтин девор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА 7/Ҳда **Кулги нечаси,** 8/Ҳда **Тўйдан олдин томоша,** 9/Ҳда **Ужарлар,** 10/Ҳда **Кулги нечаси.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

— Совет цирки ёш усталарининг конкурсли томошалари.

САНЪАТ САРОЙИДА

7 октябрь соат 18.да СССР Конституция кунига бағишланган

СОВЕТ ПОЭЗИЯСИ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Сергей Баруздин (Москва), **Ота Отажонов** (Туркманистон), **Абдулла Орипов** (Тошкент), **Рамз Бобожон** (Тошкент), **Собир Бозор** (Тожикистон), **Муса Жонғозиев** (Киргизистон), **Соронбой Жусев** (Киргизистон), **Зулфия** (Тошкент), **Александр Кушнер** (Москва), **Владимир Костров** (Москва), **Асқад Мухтор** (Тошкент), **Собит Мадалиев** (Москва), **Омон Матжон** (Тошкент), **Қодир Мурзалиев** (Қозоғистон), **Туроб Тўла** (Тошкент), **Зоя Туманова** (Тошкент), **Қаюм Тангриқулиев** (Туркманистон), **Фариза Унгарсинова** (Қозоғистон), **Шукрулло** (Тошкент), **Лойиқ Шералн** (Тожикистон), **Иброҳим Юсупов** (Қорақалпоғистон), **Эркин Воҳидов** (Тошкент), **Мирмуҳсин** (Тошкент), **Павло Мовчан** (Украина), **Нормурод Нарзуллаев** (Тошкент), **Гулчеҳра Нуруллаева** (Тошкент), **Петр Серебряков** (Москва), **Олег Чухонцев** (Москва).

Кечадан йиғилган маблағ тинчлик фондига берилади.

Билетлар соат 14.00 дан сотилади.

Ўзбекистон ССР Соцнал таъминот министрлиги Ўзбекистон ССР республика врачлик-меҳнат эксперти назорат комиссиясининг раиси Н. Ўринбоевга онаси

Шаҳодат ИСАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти коллективи институт сектор мудири, тарих фанлари кандидати А. Ўринбоевга онаси

Шаҳодат ИСАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениеси ҳамда Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия комитети, маҳаллий комитет ва бадиий графика факультети коллективи ССР Рассомлар союзининг аъзоси, тасвирий санъат ўқитувчиси Г. Абдураҳмоновга онаси

Нури АБДУРАҲМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ЯГОНА ЭСДАЛИК



Ҳурматли редакция! Япон самурайларига қарши курашда иштирок этган полкдошимнинг тақдирини билишда ёрдам кўрсатишингизни илтимос қиламан. У билан Катта Хинган тоғ чўққисидан ошиб ўтгандик. Дўстим — шофёр эди. Ўқдори, озиқ-овқат таширди. Миллати — ўзбек эди. Исм-шарифи: Мадали Искандарович Искандаров. Уни биз русчасига «Митька» деб атардик. Ундан менга ягона эсдалик ушбу сурат. Уни 1945 йили онамга юборган эдим. Суратнинг орқасига у қуйидаги сўзларни ёзган: «Дўстимга эсдалик учун». Полкдошимнинг сўзларидан сўнг мен: «Онажон, ушбу фотони сақлаб қўйинг, бу менинг севимли дўстимнинг сурати» деб ёзиб қўйгандим.

Митя! Эсингдами, мен Д. Ш. К. зенит пулеметининг наводкачиси эдим. Урушдан сўнг Дальний шаҳрида яшадим.

Агар ушбу сатрларга кўзинг тушса, менга албатта хат ёзгин.

Менинг адресим: **241903, Брянск шаҳри, Б-Полпина переулок 2 Оржоникидзе, 13. Дмитрий Петрович СЕРГЕЕВ.**

СПОРТ

ШАХМАТ:

УЧИНЧИ ПАРТИЯДА ДУРАНГ

Италиянинг Мерано шаҳрида жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан даъвогар Виктор Корчной ўртасидаги баҳс кескинлашиб бормоқда. Дастлабки икки партияда Карпов ғолиб чиққан эди. Учинчи партияда эса Карпов қора доналарда ўйнади. Оқ доналар билан ўйнаган Корчной ҳужумкорликка зўр берди. Лекин жаҳон чемпиони бу ҳужумларга моҳирлик билан жавоб берди. Натижада 41-юришда рақиблар дурангга рози бўлишди. Ҳисоб ҳали ҳам 2:0.

ЧИМ ХОККЕЙ:

«ПОЛИТОТДЕЛ» ОЛИЙ ЛИГАДА

Биринчи лига чим хоккей командаларининг финал баҳсида биринчи давра якунланди. Биринчи лигадаги тўртта кучли команда мусобақаларининг финал ўйинлари олдидан колхоз спортчи қизлари энг яқин рақиблари — Москванинг «Спартак» ва Ереванниг «Маяк» командаларидан беш очко ўзиб кетган эдилар. Улар финал баҳсларида ҳам муваффақиятли қатнашдилар. Бу ўйинлар «Политотдел» колхозининг марказий стадионида ўтказилди. «Политотдел» колхозининг спортчи қизлари барча рақибларини маглубиятга учратиб, 41 очко жамғардилар. Москваликлар билан ереванликлар 33 тадан, Ульяновскнинг «Спартак» командаси 22 очко тўплади.

Иккинчи давра ўйинлари Москвада ўтказилади. Колхоз командаси қизлари якунловчи ўйинларнинг қандай натижа билан тугашидан қатъи назар биринчи лигада чемпион бўлиб, кичик олтин медалга сазовор бўлдилар. Шу билан бирга улар олий лигага ягона йўлланмани қўлга киритдилар.

ФУТБОЛ:

ОЛДИНДА «НЕФТЯНИК»

Футбол бўйича иккинчи лига командалари яна уч турдан сўнг мавсумни якунлайдилар. Ўзбекистон зонасига кирувчи бу командалар яна бир тур учрашувларини ўтказдилар. Лигада пешқадамлик қилаётган Фарғонанинг «Нефтяник» командаси футболчилари ўз мавқеларини янада мустаҳкамладилар. Улар «Янгиер» командасини қабул қилиб, 2:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. Самарқанд динамочилари эса «Шахрихончи» командасига 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Шундай қилиб, чемпионат якунланишига уч тур қолганда, фарғоналиклар ҳисобида 62 та очко бор. Самарқандлик динамочилар ҳисобида эса 56 та очко бўлиб, улар иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

ХОККЕЙ:

ҚУШ ҒАЛАБА

Хоккей бўйича СССР чемпионатининг биринчи лигасида қатнашаётган Тошкентнинг «Бинокор» командаси қўш ғалабага эришди. Команда Воронежда маҳаллий «Буран» командаси билан икки марта учрашиб, тўрт очкога эга бўлди. Биринчи ўйинда бинокорчилар 4:2 ҳисобида ғалабага эришдилар. Иккинчи учрашув эса командамиз хоккейчилари бутун маҳоратларини ишга солиб, рақибларидан анча кучли эканликларини намойиш этишди. Ҳужумкорликка зўр берган «Бинокор» командаси рақиблар дарвозасига 9 марта шайба киритди. Мезбонлар эса бунга бир шайба билан жавоб қайтаришди. Ҳисоб 9:1. Энди бинокорчилар Тошкентда олти учрашув ўтказишади. Москва темирйўлчилари, Череповецкнинг «Металлург» ва Свердловскнинг «Автомобилист» командалари бинокорчилар меҳмони бўлади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Концерт. 10.25 — Ҳужжатли фильм. 10.45 — Сизга маизур шеърлар. 11.15 — Бугун — Конституция куни. 11.30 — Концерт. 12.20 — Архитектура-81. 12.55 — Фильм-спектакль. 14.05 — Демьян Бедний —инқилоб куйчиси. 15.00 — Цирк. 16.00 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. 18.35 — 1981 йил қўшиқлари. 19.15 — Мультфильмлар. 19.55 — Ҳужжатли фильм. 20.15 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Туркия — СССР терма командалари. 23.50 — Дунё воқеалари. 00.05 — Ҳужжатли фильм.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Оналарни эъзозланг. 10.45 — Концерт. 11.30 — Болалар учун бадиий фильм. 12.45 — Ҳужжатли фильм. 13.50 — Сизни оперетта таклиф этади. 15.00 — Ўқув кўрсатуви. 15.30 — Мультфильмлар. 16.00 — Музикали программа. 17.15 — Фильм-спектакль. 19.20 — Концерт. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 21.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳаёт бизни синов қилади. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Ҳужжатли фильм. 10.20 — Концерт. 11.00 — Буюк ҳайвон ўргатувчи. 12.10 — Фильм-концерт. 12.35 — Ҳамшаҳарлар. Бадиий фильм. 14.00 — Фильм-концерт. 18.20 — Мультфильм. 18.35 — Концерт. 19.05 — Бугун — СССР Конституцияси куни. 19.30 — Ахборот. 19.45 —Мушоира. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.25 — Бугун оламда нима гап?

ТОШКЕНТ-II. 18.05 — Болалар учун фильм. 18.20 — Табиат билан дўстлашиб. 18.35— Қисқа метражли бадиий фильмлар. 19.30 — Фильм-концерт. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Аренага йўл. Кинокомедия. 21.30 — Москва. IV-программаси.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Бахт қўшиқлари. Концерт. 9.35 — Еш опера қўшиқчилари ижро этади. 11.15 — Конституция яшамоқда, ишламоқда, ҳаракат қилмоқда. 11.25— Студентларнинг талабаларга биноан концерт. 12.10 — Ўзбекистан индустриалий. 13.00 — Қишлоққа тайёрмисиз? 14.00—«Оқ олтин» хирмонлари қўпаймоқда. 16.15 — Сўнгги ахборот. 19.25 — Ф. Содиқов, Т. Тошматов. «Янги Тошкент». Вокал сюита. 20.50 — ГДР эълон қилинган кунга. 21.00— Давр менинг тақдиримда. 21.20 — Пахтакор монологи. 22.30— Партия, Ватан ҳақида қўшиқлар. 23.15 — Дам олиш концерти.